КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 160 (7650). ● 20 август, 1981 йил ● ПАЙШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

ПАРКЕНТЛИКЛАР ЗАФАРИ

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини ҳаётга оғишмай татбиқ этиб келаётган Паркент райони боғбонлари дастлабки ғалабани қўлга киритдилар. Соҳибкорлар эл дастурхонига 5746 тонна ширин-шакар мева етказиб берib, бу борадаги йиллик планларини 104,5 процентга етказиб бажардилар. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагидан 1366 тонна кўп демакдир.

Эришилган ғалабага райондаги «Гулбоғ», «Коммуна» совхозлари ҳамда «Паркент» совхоз-заводи меҳнаткашлари муносиб ҳисса қўшдилар. Ушбу хўжаликларда шу кунгача 400—460 тоннага етказиб мева йиғиштириб олинди.

Шу кунларда район мевазорларида йиғим-терим ишлари қизғин давом эттирилмоқда. Ўз имкониятларини ҳисоблаб чиққан соҳибкорлар йил охиригача эл дастурхонига 7 минг тонна сархил мева етказиб бериш мажбуриятини олдилар.

М. НАЗИРБОЕВ.

ЧОРВАЧИЛИК—ЗАРБДОР ФРОНТ

МАҲСУЛДОРЛИК МАНБАЛАРИ

ЧОРВАЧИЛИК ҳар бир ишни аниқ ҳисоб-китоб асосида юритишни талаб этадиган тармоқдир.

Биз ҳар йилги ишлаб чиқариш кўрсаткичларини чоғиштиришга одатланганмиз. Яқинда ярим йилликка якун ясалди. Маълум бўлишича, қорамоллар сони ўтган йилдагига нисбатан 72 бошга кўпайиб, 1265 бошга, шу жумладан сигирлар 440 бошга етди. Ўтган йилнинг биринчи ярмида жами 795 тонна сут етиштирилган бўлса, бу йил 985 тоннадан ошди. Ҳар бош сигирдан соғиб олинган сут ҳам 104 килограммга кўпайиб, 2625 килограммни ташкил этди.

Молбоқарларимиз олти ой давомида давлатга 167,5 тонна гўшт топшириб, йиллик социалистик мажбуриятларини ҳам ортиғи билан бажариб қўйдилар. Гўштга топширилган ҳар бир қорамолнинг ўртача тирик вазни 459 килограммданга тўғри келди.

Паррандабоқарларимиз йиллик планда белгиланган 120 минг ўринга ярим йилдаёқ 145,2 минг дона тухум сотишга муваффақ бўлдилар. Чўпонлар эришган ютуқлар ҳам салмоқлидир. Улар отарлардаги жами қўйлар сонини 3959 бошга, шу жумладан совлиқлар сонини 1300 бошга етказдилар. Бу планда белгиланганидан анча кўпдир. Ўтган йили совлиқлардан жами 1235 бош кўзи олинган бўлса, бу йил 1553 бошга етказилди.

Биз бундай ютуқларга қандай қилиб эришмоқдамиз?

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишларида шундай сатрлар бор: «Ҳар бир қорамолдан олинадиган маҳсулотни анча кўпайтиришга эришилсин». Партия ва ҳукуматимиз биз чорвадорлардан маҳсулот етиштиришни кўпайтиришни талаб қилибгина қолмай, тармоқни жадал ривожлантиришнинг конкрет йўлларини белгилаб бермоқда.

Ёз ойларида сигирлар сутини кўпайтирадиган озуқа мўл бўлади. Қишда эса бундай имконият етарли эмас. Шунинг учун биз чорва қишловига тайёргарлик кўришда мўл ва сифатли озуқа жамғаришга алоҳида эътибор берамиз. Бундан ташқари озуқа турлари асосан қайта ишланиб, турли хил витамин ва микроэлементлар билан бойитилиб, сўнгра молларга берилади. Озуқа цехимиз қишлоқ давомида тўхтовсиз ишлаб туради. Натижада қиш ойларида ҳам соғиш сигирларимиз маҳсулдорлиги камаймайди. Бўрдоқилар ҳам тўйимли рацион асосида боқилиб, интенсив семиртириб борилади.

Ҳамма соҳада бўлганидек, чорвачиликда ҳам асосий ишни кадрлар ҳал қилади. Қўлга киритиладиган ютуқлар ана шу кадрларнинг юксак унум билан ишлашлари ва кўнгилдагидек дам олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилишига боғлиқдир. Шунингдек, уларнинг меҳнатини муносиб

БУТУНИТТИФОҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИ ҒОЛИБЛАРИ

қадрлаш, ўз вақтида моддий ва маънавий рағбатлантириб бориш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Биз бунга эришиш учун социалистик мусобақанинг турли таъсирчан формаларидан фойдаланамиз. Сут соғувчилар, молбоқарлар ва бузоқбоқарлар ўртасида ўзаро социалистик мусобақанинг конкрет шартлари аввалдан пухта ишлаб чиқилади. Ғолиблар аниқланадиган пайтда бунга тўла риоя қилинади.

Узаро меҳнат беллашуви тўғри йўлга қўйилганлиги туфайли чорвадорларимизнинг ўз меҳнатлари натижаларидан манфаатдорлиги ортиб бормоқда. Бу эса кўплаб ташаббускор чорвадорларнинг юзага келишига асосий сабаб бўлаётир. Масалан, Жамила Асҳўжаева, Қурбонгул Утебекова, Гулсара Жалолова, Урингул Нилшонбоева, Салима Чинжигитова сингари сут соғувчиларимиз ўзларига бириктирилган 18 — 20 бош сигирнинг ҳар биридан йилига 5000 —6000 килограммдан сут соғиб олмоқдалар. Бу йил ҳам улар ўзаро меҳнат беллашувида пешқадамликни қўлдан бермай, ярим йилда сигирлардан 3100 — 3400 килограммга етказиб сут соғиб олдилар.

Хўжаликда ички социалистик мусобақани кенг кулоч ёйдириш билан бирга чорвадорларимиз ҳар йили Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ҳам актив қатнашмоқдалар. Бу эса қувончли натижалар бермоқда. Масалан, 1980 — 1981 йил чорва қишловини муваффақиятли ўтказиб, Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиқдик ва КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ҳамда ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритдик.

Бу юксак мукофот чорвадорларимизни янги зафарларга илҳомлантирмоқда. Ҳозирда ноқ қишловга тайёргарлик кўриш қизғин олиб борилмоқда. Ўтган ярим йил ичидаёқ қишловга етарли миқдорда ем-хашак жамғариб қўйилди. Плондаги 3640 тонна ўрнига 4200 тонна дағал хашак, 1800 тонна ўрнига 2588 тонна беда пичани, 400 тонна ўрнига 720 тонна табиий ўт пичани ғарамланди.

207 гектар майдондаги маккажўхори дони пишиб етилмоқда. Биз 85 центнердан дон, ҳосили ва 800 центнердан ошириб силосбоп кўк масса олишни планлаштириб қўйдик. Маккажўхоридан ва бошқа айрим сабзавот экинларидан бўшайдиган ерларга қайта озуқа экиб, уларни ўз вақтида ўриб-йиғиб олиш тадбирларини белгиламоқдамиз.

Бу йилги чорва қишловига янада пухта тайёргарлик кўриш учун колхознинг «Коммунизм» ва Фрунзе участкаларидаги сут-товар фермаларини капитал ва жорий ремонт қилишни бошлаб юбордик.

Ютуқларни мустаҳкамлаб, ғолиблик байроғини қўлда сақлаб қолиш учун мавжуд ички резерв ва имкониятларни тўла ишга соламиз.

Р. ЭШОНХЎЖАЕВ,
Янгийўл районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Коммунизм» колхозининг чорвачилик бўйича ранс муовини.

ФЕРМАЛАРДАН ДАРАКЛАР

СУТ ҚЎПАЙДИ

ОҲАНГАРОН. «Ғаллакудуқ» совхози чорвадорлари ҳар бош сигирдан мўл ва сифатли сут соғиб олишда кўп йиллардан бери пешқадамлик қилиб келишади. Бу йил ҳам улар хўжаликлар ўртасидаги социалистик мусобақада пешқадамликни қўлдан бермаётирлар. Шу кунгача ҳар бош сигирдан ўртача 2500 килограммга етказиб сут соғиб олинди. Шу кунгача 460 тоннадан кўпроқ сифатли сут етиштиришга эришган хўжалик чорвадорлари бу йил сигирлар маҳсулдорлигини 4500 килограммга етказиш учун курашмоқдалар.

Н. АБДУРАСУЛОВ.

ҚИШЛОВНИ ЎЙЛАБ...

ОҚҚЎРҒОН. «Ленинобод» колхозининг Хусан Турсунбоев бошчилик қилаётган ем-хашак бригадаси аъзолари қишловга етарли озуқа жамғариш учун курашмоқдалар. Айниқса, бедадан мўл ҳосил етиштиришти.

Ҳар ўримдан сўнг бедазорлар озиқлантирилиб, суғорилмоқда. Шунинг учун ҳам қишловга ҳар йилгидан ҳам мўл тўйимли беда пичани тайёрланмоқда. Ҳозир хўжалик бедазорларида тўртинчи ўрим тугатилияпти.

А. МУСТАФОЕВ.

АСАЛ ЙИҒИШТИРИБ ОЛИНМОҚДА

Бу йил республика ўрмон хўжалиги министрлигига қарашли асаларичилик хўжалигида етиштирилган асаларининг ҳаммаси — қарийб 2 минг центнер асал сабзо тармоқларига жўнатилди. 42 та асаларичилик хўжалигидан олинган асал Тошкент ўрмон хўжалигига жўнатилмоқда. Бу ерда механизациялаштирилган махсус асал қуйиш цехи қурилган, асални шиша ва полиэтилен банкаларга қуядиган конвейер линия монтаж қилинган.

(ЎзТАГ).

АЕЛ УЧУН, она учун фарзанд камолини ўз кўзи билан кўришдан юксакроқ қувонч бўлмаса керак. Муқаддас ҳам ўғли Наимжоннинг мустақил ишлашга ўтгани, устозидан олқиш олганини эшитиб қувончдан юзлари ловуллаб кетди.

— Бу жуда катта даргоҳ, — деб ўйларди у, — шундай даргоҳдаки ишончни оқлай бошлабдими, демак кам бўлмайди. Мана менинг ўзимчи. Шу ердан камол топиб, шу ердан элга танилдим.

...1969 йил эди. Мактабда лаборант бўлиб ишлаётган келинчакка нимадир етишмаётгандек туюлар, ишидан кўнгли тўлмасди. У Боғистон қишлоғининг кенглиқлари, даласи, яйловида деҳқон ва чорвадорлар орасида улғайган. Йўқ, у ё деҳқончилик ёхуд чорвачилик ишига ўтиши керак. Ҳар касбнинг ўз эгаси бўлади, ахир.

Муқаддас шу ҳақда қайнонаси ва эрига маслаҳат солди.

— Тинчгина ишлаётгандинг, нимаси ёмон мактабнинг? — Иномжон хотинининг раъйини қайтармоқчи бўлди.

— Лаборантликни ёмон деётганим йўқ. Лекин...

— Паррандачилик етти хазинанинг бири дейишади. Ишласа ёмон бўлмайди, ўғлим, — гапга аралашди Шафоат хола, — Болалардан ҳавотир олмай қўяқол. Мен ўзим қарайман.

Янги иш, янги коллектив, янги ташвишлар... Муқаддас фабрикага паррандабоқар бўлиб кирди. Қишлоқ боласи эмасми, ишга қийналмайгина кўникиб олди. Товуқларни рацион асосида боқишга, озуқасининг тўйимли бўлишига аҳамият берди.

— Тухумнинг катта-кичиклиги, сифати товуққа эмас, кўпроқ озуқага ҳам боғлиқ, — деган эди у бир йигитлишда. — Озуқа тўйимли бўлмагач, йирик тухум ҳақида ўйлаймасак ҳам бўлади.

Муқаддаснинг дадил гаплари, таклифлари кўпчиликни ўйлатиб қўйди. Озуқани товуқбоқарларнинг ўзлари тайёрлаб беришарди. Бу эса уларнинг кўп вақтини олар-

ҲАЗИНАБОН

ТАШАББУСКОРЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

Л А В Ҳ А

ди. Аслида товуқбоқарнинг бошқа юмушлари ҳам жуда кўп.

Мулоҳаза ва мунозаралардан сўнг озуқа цехи ташкил этилди. Эндиликда тайёр аралашма озуқа механизмлар ёрдамида цехларга оқиб келадиган бўлди. Товуқбоқар уни рацион асосида товуқларга беради, холос. Демак, цехларда товуқлар сонини яна ошириш мумкин.

Парранда кўпайгач, тухум ҳам кўпайди. Бу орада Муқаддаснинг тажрибаси анча ошди. Тўққизинчи ва ўнинчи беш йилликлар ғолиби бўлди. Коммунистик партия сафига қабул қилинди. III даражали Меҳнат Шуҳрати ордени билан мукофотланди. Ася Дўсинбоева, Тохира Қўшбоева, Ольга Усинская каби шогирдлар етиштирди.

Фабрика тубдан яхшиланиб анча кенгайди. Замонавий техника воситалари билан мустаҳкамланди. Энди у Ильич номли паррандачилик бирлашмасига айланди.

Бир пайтлар Муқаддас Тургунбоева қарамогида саккиз минг товуқ боқилган бўлса, энди улар сони йигирма тўрт мингга етди. Олинаётган гўшт ва тухум салмоғи ҳам шунга яраша кўпайди.

Муқаддас бу йил ҳам областнинг бир группа чорвадорлари қаторида ватанпарварлик ташаббуси билан чиқиб, ўн биринчи беш йиллиқда гўшт ва тухум етиштиришни соҳага белгиланган даражадан ҳам ошириш, ҳар бир товуқдан йил давомида 244 донадан тухум олишга сўз берди.

244 донани 24 минг марта орттириб кўринг-а. Беш миллион саккиз юз эллик олти минг дона тухум!.. Бу — одамларнинг тўкин дастурхони, фаровон турмуши деган сўз. Бу — ишончга яраша меҳнат, касбга садоқат деган сўз.

Илғор ишчининг ташаббуси бирлашма паррандабоқарлари орасида кенг ёйилди. Унинг издошлари жуда тез кўпайди. Шунинг учун ҳам бирлашма коллективи съездлар йилида 130 миллиард донадан зиёд тухум етиштириш юзасидан юксак социалистик мажбурият қабул қилди.

М. Тургунбоева тажрибали чорвадоргина эмас, шу соҳанинг ҳақиқий жонкуяри. У фарзандлари қалбида ўз касбига муҳаббат уйғота олган, меҳнатни чуқур қадрлаш ҳислатларини сингдира олган устоз ҳамдир. Бирлашмада Тургунбоевлар сулоласининг довруғ қозонаётганлиги ҳам шундан.

Оила бошлиғи Иномжон Тургунбоев бирлашманинг бош энергетиги. Ўғиллари Солижон, Йўлдошжон, Наимжонлар ҳам ота-оналарининг изидан бориб кўпчилик олқишини қозонаяптилар.

Киши ҳаётида шундай лаҳзалар бўладики, у ўзида масъулият ҳиссини кучлироқ туя бошлайди. Янги марралар, янги зафарлар ҳақида ўйлайди. Муқаддас ўз ташаббуси область партия комитетида маъқулланганида, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган ҳақидаги хабарни газетадан ўқиганида ўзини шундай ҳис қилган эди. Мана бугун Наимжоннинг илк муваффақиятини эшитганда ҳам яна шундай ҳолатга тушди. Ахир фарзандлари, шогирдлари ундан ўрнак олиб, меҳнатга меҳр қўйишяпти. Бу эса, устозидан яна ҳам яхшироқ ишлашни, намуна кўрсатишнинг янги қирраларини очишни талаб қилади. Зеро, мураббийнинг фаолияти ҳам шу билан баҳоланади.

З. РУЗИЕВА
Оржоникидзе райони.

КОМСОМОЛ-ЁШЛАР БРИГАДАСИДА

Шу йилнинг бошида КПСС XXVI съездн делегати Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Дилбар Норматова бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси «Қолоқларсиз ишлайлик» деган қимматли ташаббусни кўтариб чиққан эди. Бу ташаббус тез орада кенг қанот ёйди.

Ташаббускор бригада коллективи ўз сўзининг устидан чиқиш учун бир қанча тадбирларни ишлаб чиқди. Шунга кўра экилган ҳар бир вегетатив даврдаги ўзгаришлар махсус журналга қайд қилиб борилди. Ишлов бериш ва суғоришда меъёрга алоҳида эътибор қаратилди. Эндиликда бригада далаларини айланар экансиз, бу ерда етилган ҳосилдан кўзингиз қувнайди. Ҳайдар Қораев, Кўчим Ортиқбоев бошлиқ комплекс звеноларда ҳосилдорликни 40 центнердан ошириш учун кураш бормоқда.

1-«Пискент» совхози комсомол ташкилоти ўз теварагига 600 дан зиёд ВЛКСМ аъзоларини бирлаштирган. Комсомоллар КПСС XXVI съезди қарорларини бажаришда катталар билан ёнма-ён туриб, фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар. Улар пахтачиликда, чорвачилик ва бошқа соҳаларда белгиланган мажбуриятлар муваффақиятли адо этилишига ҳисса қўшишяпти.

Хўжаликда 45 та пахтачилик бригадаси бўлиб, шундан 7 тасида комсомол-ёшлар меҳнат қилмоқдалар. 1-бўлимнинг Р. Гусанов, 2-бўлимнинг А. Абдураҳмонов, 7-бўлимнинг У. Мирвохитов бошчилик қилаётган комсомол ёшлар бригадаларида айни кунларда ғўза парваришн агротехника талаблари даражасида ташкил этилган бўлиб, терим мавсумига ҳам қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Совхоз комсомол-ёшларини қишлоқ хўжалигида зарбдор фронт ҳисобланган чорвачиликни ривожлантиришда ҳам яшириб этишяпти. Ўтган йилнинг ҳар бош сигирдан 4500—5000 килограммдан сут соғиб олиш ташаббуси билан чиққан район илғор соғувчилари орасида шу совхоз комсомолки Маҳбуба Сафарова ҳам эришдилар. Ана шу ютуқларнинг ҳаммасида совхоз комсомол комитети олиб бораётган ташкилий, сиёсий-тарбиявий ишлар катта роль ўйнаяпти.

С. ИНОМОВ,
Пискент райони.

САБЗАВОТНИ ҚИШГА ҒАМЛАШ УЧУН

Комунистик райоинда қуриб битказилган янги типовой омборда 1200 тоннадан ортиқ сабзавот сақлаш мумкин. Бу ерда сабзавотлар улкан металл контейнерларга жойлаштириладики, улар маҳсулот ташишни тўла механизациялаш имконини беради. Кучли вентиляция установкалари тез бузилиб қолдиган маҳсулотни бахор-нинг сўнгги ойларигача яхши сақланишини таъминлайди.

«Ўзбекбирлашув»дан хабар беришларича, Қашқадарё, Бухоро ва Фарғона областларида ҳам ана шундай сабзавот омборлари ишга туширилди. Республика кооператорлари ўтган йилдагига қараганда 5,5 минг тонна кўп сабзавот ва мевани қишга сақлашни мўлжалламоқдалар.

(ЎзТАГ).

ТАРМОҚ ЮКСАЛИШДА

ЧИНОЗ районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозида сўнгги йилларда чорвачиликни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Бу ерда айниқса, чорва туёғини кўпайтириш, маҳсулдорлигини оширишда юқори кўрсаткичларга эришилмоқда. Шунинг учун ҳам давлатга чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш кўпайиб бораётир.

Хўжалик чорвадорлари 1981 йилнинг ўтган даври мобайнида 56 тонна гўшт, 260 тонна сут сотиб, бу борадаги саккиз ойлик планларини ортиғи билан бажардилар. Шунисиди ҳам ғурур туйғусини уйғотадики, ҳар бир соғувчи ўзига бириктирилган ҳар бир соғин сигирдан кунига 12—13 литрдан сут соғиб олиб қўлга киритилаётган ютуқларга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

КПСС XXVI съезди қарорларига амалий иш билан жавоб бераётган хўжалик чорвадорлари зарбдор тармоқни янада юксалтириб янги беш йилликнинг дастлабки йилида давлатга 561 тонна серқаймоқ сут, кўплаб бошқа чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

А. ОРИПОВ.







КАНОП ЎРИШ ҚИЗҒИН

● Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхозда янги каноп ҳосилини ўриш қизғин бошлаб юборилди. 45 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 220 центнердан ҳосил олишга аҳд қилган Худойберган Дадашев бошлиқ бригада коллективи каноп ўримида пешқадамлик қилаётир. Суратларда: ўрим пайти; (чапда) илғор бригада аъзоларидан Н. Холматова ва С. Усмоновалар.

А. Абалян фотолари.

КЕНГ ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ—ДЕПУТАТЛАР ОТАЛИҒИДА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ, «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ВА «ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» ГАЗЕТА РЕДАКЦИЯЛАРИНИНГ ДАВРА СУҲБАТИ

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ БОШҚА ҲЕЧ ҚАЙСИ БИР СОҲАСИДА МАҲАЛЛИЙ ИМКОНИЯТЛАР, МАҲАЛЛИЙ РЕЗЕРВЛАР АҲОЛИНИНГ КУНДАЛИК ИСТЕЪМОЛЧИЛИК ТАЛАБИНИ ҚОНДИРИШ, УНГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШДЕК РОЛЬ ЎЙНАЙ ОЛМАЙДИ. ҲАММА ДАРАЖАДАГИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СОВЕТЛАРИ САНОАТ МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА СОТИШНИ ЯХШИЛАШ, ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН КОНКРЕТ ЧОРАЛАР КЎРИШЛАРИ ЗАРУР.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

Яқинда КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети «1981—1985 йилларда энг зарур моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва аҳолининг шу молларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондиришга доир тадбирлар тўғрисида» ҳамда «1981 — 1985 йилларда харидоргир моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг сифатини ошириш ва хилини яхшилаш тадбирлари ҳақида» қарорлар қабул қилдилар. Бу қарорларда мазкур молларни ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш комплекс тадбирлари кўзда тутилган, шу муносабат билан министрликлар ва идораларнинг, партия, совет, хўжалиқ ва касаба союз ташкилотларининг вазифалари аниқ белгилаб берилган.

КПСС XXVI съездининг халқ моддий ва маданий турмуш даражасини муттасил юксалтириш тўғрисидаги қарорларини амалда рўёбга чиқарилишини таъминлашда халқ ҳокимияти маҳаллий органлари, уларнинг ижроия комитетлари, бўлим ва бошқармалари, доимий комиссиялари, барча депутатлар кўп ишлар қилишлари мумкин ва зарур. Уларнинг энг зарур ҳамда харидоргир моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ассортиментини кенгайтириш, сифатини яхшилаш ишидаги ҳиссаси қандай бўлиши керак. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва моллар сифатини яхшилаш учун мавжуд резервлардан иложи борича кўпроқ фойдаланиш учун нималар қилиниши керак? Бу масалалар Тошкент область ижроия комитети ва «Тошкент ҳақиқати» ҳамда «Ташкентская правда» газеталари редакциялари уюштирган давра суҳбатида муҳокама қилинди. Суҳбатга область Советининг депутатлари — ишлаб чиқариш илғорлари, айрим шаҳар ижроия комитетлари ва корхоналарнинг раҳбарлари, маҳаллий саноат, давлат савдоси бошқармалари ва матлубот кооперацияси ходимлари таклиф қилинди.

Иштирокчилар область ижроия комитети раисининг ўринбосари Х. Т. Умаров олиб борди.

МУҲИМ ВАЗИФА

С. МУТАЛОВ,
область маҳаллий саноат ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи, халқ депутатлари область Совети депутати.

АҲОЛИНИНГ истеъмол молларига бўлган эҳтиёжини иложи борича тўлароқ қондириш вазифасини ўз зиммасига олган маҳаллий саноат халқ фаровонлигини янада ривожлантиришга қаратилган иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга. Саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш ҳажми ўтган беш йилликдагига нисбатан 2,9 марта кўпайди. Янги типовой фабрикалар ишга туширилди. Ҳозир область маҳаллий саноат системасида яхши ихтисослашган 13 та йирик саноат корхонаси ишлаб турипти. Уларнинг ишлаб чиқариш ҳажми 83 миллион сўмликни ташкил этади ва 4377 нафар ишчи меҳнат қилади.

Бошқарма корхоналари кўп тармоқлидир. Улар 200 га яқин халқдаги маҳсулот: маданий-маиший моллар ва рўзғор буюмлари, тикувчилик, трикотаж буюмлари, гиламлар ва гилам маҳсулотлари ҳамда шунга ўхшаш бошқа моллар чиқараётирлар. Корхоналаримизнинг ҳаммаси етти ойлик план топшириқларини муваффақиятли бажардилар. Натижада бошқарма бўйича планга қўшимча 1.843 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Ишлаб чиқариш ҳажми шу йилнинг етти ойи ичида ўтган йил шу давридагига нисбатан 13,5 процент ортди. Қурилиш материаллари, гилам ва полослар ҳамда маданий-маиший ва рўзғор буюмлари: чойнак ва кофейниклар, карниз ва вешалкалар, рўзғор сумкалари, ёғоч қошиқлар, рўзғор керамикаси кабиларни ишлаб чиқариш анча ортди. Яна шуниси муҳимки, маҳаллий хомашё ресурслари ва ишлаб чиқариш чиқиндиларидан тайёрланган моллар ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 72 процент кўпайди.

Аҳоли эҳтиёжларининг ортиб боришини ҳисобга олиб маҳсулотлар ассортименти доим кенгайиб бормоқда. Ҳар йили 40 дан ортиқ янги ёки яхшиланган маҳсулотлар тури ўзлаштирилмоқда. Шу йилнинг олти ойи ичида 30 хил янги маҳсулот ўзлаштирилди. Булар орасида гуллар учун сопол туваклар, лаганлар, пляжда кийиладиган шиппаклар, металл тапчанлар, рўзғор сумкалари бор. Маҳаллий саноат корхоналарида давлат Сифат белгиси билан халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга катта эътибор берилмоқда. Шу йилнинг етти ойи ичида 7 миллион сўмликдан ортиқроқ маҳсулот Сифат белгиси билан чиқарилди. Бу ўтган йилдагига нисбатан 4.7 баравар кўпдир. Сифатни бошқаришнинг комплекс системаси жорий этилганлиги, ишлаб чиқариш технологияси такомиллаштирилганлиги, янги техника қўлланилганлиги, цехлар реконструкция қилиниб, кенгайтирилганлиги туфайли ана шундай кўрсаткичга эришишга муваффақ бўлинди.

Корхоналарни ихтисослаштириш изчиллик билан давом эттирилмоқда. Ҳозиргача 13 корхонадан 5 таси ихтисослаштирилгандир. Олмалиқ тикувчилик фабрикаси болалар ассортиментидаги буюмларни ишлаб чиқарса, Ангрен тикувчилик фабрикаси, Оҳангарон, Чирчиқ тикув фабрикаси аёллар халатларини тайёрламоқда ва ҳоказо.

Область маҳаллий саноатини ривожлантиришда муайян ютуқлар бўлишига қарамай биз ҳали меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини тўла қондира олмаяпмиз. Ишимизда бир қатор қийинчиликлар бор. Улар чиқарилаётган маҳсулотлар ассортиментини кенгайтиришга тўсқинлик қилмоқда. Янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпинча зарур норматив-техник ҳужжатларни тайёрлаш муддатлари узоқ чўзилиб кетиши туфайли кечикмоқда. Маҳсулот билан таъминлаш масалалари ҳамма вақт ҳам оператив ҳал қилинаётир деб бўлмайди. Чунончи, рўзғор эҳтиёжлари учун ҳар хил тўқима буюмлар тайёрлаш учун тол ўстириш керак. Толзорлар учун ер ажратиб бериш пайсалга солинмоқда.

Областимиз районларида хомашёнинг бу тури резервлари бор. Лекин маҳаллий ижроия органлари унинг маълум қисмини ўрмон хўжалигидан маҳаллий саноат ихтиёрига олиб бериш масаласини ҳалигача ҳал қилиб бермаяптилар.

Область маҳаллий саноат корхоналари коллективлари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «1981—1985 йилларда энг зарур моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва аҳолининг шу молларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондиришга доир тадбирлар тўғрисида» ҳамда «1981—1985 йилларда харидоргир моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг сифатини ошириш ва хилини яхшилаш тадбирлари ҳақида»ги қарорларини якдиллик билан маъқуллаб, раҳбарлик ва ижро учун қабул қилдилар. Бу қарорлар халқ моддий ва маданий турмуш даражасини янада тўхтовсиз юксалтиришга қаратилгандир. Ҳозир ана шу ҳужжатлар талабларини ҳисобга олган ҳолда корхоналаримизнинг ҳар бири 1981—1985 йиллар учун ишлаб чиқилган комплекс тадбирларни қайта кўриб чиқмоқдалар.

Уйда ишлайдиганлар меҳнатидан кенгроқ фойдаланиш назарда тутилмоқда. Жойларда махсус комиссиялар тузилган. Улар катта ташвиллий-тушунтириш ишлари олиб борадилар ва ишлаб чиқаришдан четда қолган меҳнатга яроқли кишиларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этадилар. Бу йил уйда ишлайдиганлар сонини 420 нафарга етказиш ва улар кучи билан 3,1 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Бу ўтган йилдагига нисбатан беш баравар кўп бўлади.

Область маҳаллий саноат корхоналари ходимлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларини амалга ошира бориб, партия иқтисодий программасини жорий этишга муносиб ҳиссаларини қўшишга қатъий бел боғлаганлар.

ЯНГИ РЕЗЕРВЛАРНИ ТОПАМИЗ

Н. ШАРИПОВ,
Чирчиқ шаҳар ижроия комитетининг раиси.

ҲОЗИР Чирчиқ саноат корхоналари 200 хилдан ортиқ энг зарур ва харидоргир молларни ишлаб чиқармоқда, 18 хил кийим-кечак, 16 хил пойабзал, 35 хил нон ва қандолатлар, 16 хил гўшт маҳсулотлари ва 40 хилдан ортиқ маданий рўзғор буюмлари шулар жумласидандир. «Гунча» тикувчилик фабрикаси, гўшт комбинати, пойабзал фабрикаси, нон заводи, «Узбекхиммаш» заводи аҳоли эҳтиёжларини қондиришда муносиб ҳисса қўшмоқда. Кейинги йилларда рўзғор химияси маҳсулотлари, қандиллар, қўёш нуридан ҳимоя қиладиган кўзойнаклар ишлаб чиқарадиган кўплар жамияти корхоналари ишлаб чиқариш қувватларини анча кенгайтирди.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ўстириш резервларини қидириб топиш ва фойдаланиш йўлида шаҳардаги саноат корхоналарининг фаолияти халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитетининг диққат-эътиборида турипти. Бу масала шаҳар совети сессияларида, ижроия комитет йиғилишларида муҳокама қилинмоқда.

Ҳомашёнинг ички резервларини, халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун корхоналарнинг чиқиндиларини аниқлаш, моллар ассортиментини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш борасида шаҳар Советининг саноат ва планбюджет доимий комиссиялари актив иштирок этмоқдалар. Бу йил, масалан, комиссиялар истеъмол моллари ишлаб чиқариш бўйича корхоналарнинг ишини бир неча марта текшириб кўрдилар. Депутатларнинг таъсирлари янги хил товарларни ўзлаштиришга ёрдам берди.

Ўн биринчи беш йилликда шаҳарни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг комплекс планида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни 28 процент кўпайтириш назарда тутилган. Ишлаб турган корхоналар ишлаб чиқариш майдонларини кенгайтириш назарда тутилади. Жумладан, пайабзал фабрикасида мавжуд филиалларни реконструкция қилиб кенгайтирилади. Бир кунда 30 тонна маҳсулот ишлаб чиқарадиган сут заводини фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда. «Чирчиксельмаш» заводига комплектлайдиган буюмлар бир маромда етказиб берилмаётганлиги болалар курсчалари ва тагликлар ишлаб чиқариш планини барбод қилишга олиб келди.

Кўпгина саноат корхоналари асосий ишлаб чиқаришнинг юксак техник даражасига эга бўлган ҳолда кенг истеъмол моллари сифатини яхшилаш ҳусусида ғамхўрлик қилмайдилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездида сўзлаб, озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмол моллари, хизмат кўрсатиш соҳаси — миллионлаб кишиларнинг кундалик турмуши масалалари эканлигини таъкидладилар. Ишлаб чиқариш ҳажмлари, маҳаллий давлат органлари буни доимо ёдда тутишлари лозим.

КОМИССИЯ НАЗОРАТИДА

А. АНОРҚУЛОВ,
Янгийўл шаҳар ижроия комитетининг раиси, халқ депутатлари область Совети депутати.

ЎНИНЧИ беш йилликдавомида шаҳримиз саноат корхоналари савдо тармоқларига 432 миллион сўмлик истеъмол буюмлари етказиб бердилар. Бу хил моллар ишлаб чиқариш ўтган беш йилликдагига нисбатан 1,3 марта ортди.

Корхоналаримизнинг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш суръатлари тўхтовсиз ўсиб бормоқда. Шу йилнинг ярим йили ичида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан мебель ишлаб чиқариш 20,1 процент, мебель фурнитураси 13,2 процент, колбаса маҳсулотлари 7,3 процент, болалар пойабзали 3,5 процент ортди. Пойабзал ва мебелларнинг учдан бир қисми давлат Сифат белгиси билан тайёрланди.

Шаҳар Совети ижроия комитети халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш юзасидан саноат корхоналарининг ишини қатъий назорат остига олган. Шаҳар партия комитетининг бюроси ва шаҳар ижроия комитетининг биргаликдаги қарори билан маҳсус комиссия ташкил қилинган. Етти кишидан иборат бу комиссия халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, улар сифатини ошириш юзасидан назорат ўрнатган. Комиссия йиғилишларида корхона раҳбарларининг ахборотлари эшитиб турилади.

Шаҳар партия комитети, ижроия комитет масъул ходимлари ва шаҳар совети депутатларидан иборат комиссия ҳузурида олти кишидан ташкил топган оператив группа ишлайди. Бу группа истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг ички резервларини ўрганади ва аниқлайди. Харидоргир моллар ишлаб чиқариш масаласи ижроия комитет мажлисларида мунтазам муҳокама қилинмоқда. Жумладан, бу йил мажлисларнинг кун тартибига «Пойабзал ва мебель фабрикалари ишлаб чиқарадиган халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш сифатини ошириш тўғрисида», «Ёг-мой комбинатида ишлаб чиқариш самарадорлиги, материал, меҳнат ва молия ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш тўғрисида», «Ун ва колбаса заводларида социалистик мулкни сақлаш, иқтисод режими ва тежамкорликни кучайтириш тўғрисида»ги масалалар кўриб чиқилди. Саноат, транспорт ва қурилиш бўйича доимий комиссияларнинг мажлисларида шаҳар саноат корхоналарининг иши бир неча бор муҳокама қилинди.

Халқ учун моллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришда ишлаб чиқаришда бевосита банд бўлган ишчи депутатлар, шаҳсий намуна кўрсатмоқдалар.

Шаҳар Советининг депутати пойабзал фабрикасининг ишчиси Орзихон Икматова меҳнатда ажойиб ютуқларга эришди. КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди делегати бўлган ўртоқ Икматова ўз зиммасига олинган мажбуриятлар қабул қилиб, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Иш вақтидан унумли фойдаланиб, материалларни тежаш ва иқтисод қилиш, меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш учун курашмоқда. У ўн биринчи беш йиллик давомида ўн икки йиллик нормани бажариш мажбуриятини олган. Ҳозир унинг календарида 1982 йил март ойи.

Орзихон Икматованинг издошлари кўп. Пойабзал фабрикасининг бичикчиси, область Советининг депутати Г. Безрукова тўққиз йиллик нормани бажариш, фабрика ишчилари, шаҳар Советининг депутатлари Г. Болтабоева, Р. Убайдуллаева, Л. Обидова, К. Сулаймоновлар эса етти йиллик нормани бажаришга мажбуриятини олганлар. Шаҳар Советининг депутати мебель фабрикасининг бригадири Ҳалима Неъматова бир беш йилликда саккиз йиллик нормани бажаришга аҳд қилган.

Биринчи ярим йилликда айрим корхоналар қолоқликка йўл қўймаганларида шаҳримиз халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни йилдан йилга кенгайтириб, ишлаб чиқаришни ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини тўла қондира олмаяпмиз. Ишимизда бир қатор қийинчиликлар бор. Улар чиқарилаётган маҳсулотлар ассортиментини кенгайтиришга тўсқинлик қилмоқда. Янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш комплекс тадбирлари кўзда тутилган, шу муносабат билан министрликлар ва идораларнинг, партия, совет, хўжалиқ ва касаба союз ташкилотларининг вазифалари аниқ белгилаб берилган.

КПСС XXVI съездининг халқ моддий ва маданий турмуш даражасини муттасил юксалтириш тўғрисидаги қарорларини амалда рўёбга чиқарилишини таъминлашда халқ ҳокимияти маҳаллий органлари, уларнинг ижроия комитетлари, бўлим ва бошқармалари, доимий комиссиялари, барча депутатлар кўп ишлар қилишлари мумкин ва зарур. Уларнинг энг зарур ҳамда харидоргир моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ассортиментини кенгайтириш, сифатини яхшилаш ишидаги ҳиссаси қандай бўлиши керак. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва моллар сифатини яхшилаш учун мавжуд резервлардан иложи борича кўпроқ фойдаланиш учун нималар қилиниши керак? Бу масалалар Тошкент область ижроия комитети ва «Тошкент ҳақиқати» ҳамда «Ташкентская правда» газеталари редакциялари уюштирган давра суҳбатида муҳокама қилинди. Суҳбатга область Советининг депутатлари — ишлаб чиқариш илғорлари, айрим шаҳар ижроия комитетлари ва корхоналарнинг раҳбарлари, маҳаллий саноат, давлат савдоси бошқармалари ва матлубот кооперацияси ходимлари таклиф қилинди.

Иштирокчилар область ижроия комитети раисининг ўринбосари Х. Т. Умаров олиб борди.



Суратда: давра суҳбати қатнашчилари.

А. Мальцев фотоси.

ЧИҚИНДИЛАРДАН ҲАМ ФОЙДАЛАНАМИЗ

С. БУГЛОВ,
Олмалиқ металл-конструкциялари тажриба-эксперимental заводи директори, халқ депутатлари шаҳар Совети саноат бўйича доимий комиссиясининг раиси.

САНОАТ бўйича доимий комиссия аъзолари шаҳримиздаги халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари ишини кундалик назорат остига олганлар. Бундай корхоналардан 9 таси фақат халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Доимий комиссия мажлисларига масала тайёрлаш чоғида депутатлар корхоналар иш жараёнига чуқур кириб борадилар. Бу ҳол ишлаб чиқаришнинг яширинган резервларини аниқлашга имкон беради. Ҳом ашё, ишлаб чиқариш чиқиндиларидан рационал фойдаланиш, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш юзасидан қимматли таклифлар киритиш мумкин бўлади.

Жумладан, рўзғор химияси заводи иши ўрганилаётган вақтда депутатлар қўйидагиларни аниқладилар. Ювиш воситаларини тайёрлаш учун ишлатиладиган препаратларнинг тараси, чунончи полиэтилен қоплар ҳамда полиэтилен банкалар паста тайёрлангандан сўнг иккинчи марта ишлатилмас экан. Текширув материаллари доимий комиссия мажлисида муҳокама қилинди. Депутатлар завод маъмуриятига тарани қайта ишлатиш масаласини ўйлаб кўришни тавсия этдилар. Натижада полиэтилен қоплар сепиладиган ювиш воситалари учун тара тайёрлаш мақсадида фойдаланиладиган бўлди. Ундан кичик-кичик полиэтилен қоплар ҳам тайёрлана бошланди.

Бир қатор қимматли таклифларни депутатлар мебель фабрикаси, нон заводи, сут заводини текшириш вақтида ҳам киритдилар.

Доимий комиссия тавсияларини, шаҳар Советининг қарорларини бажара бориб, бир қатор корхоналар янги хил моллар ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар. Чунончи, мебель фабрикасида ишлаб чиқариш чиқиндисидан нон лотоклари, посилка яшиклари, болалар стулчалари ишлаб чиқарила бошланди. Қолқон, кийим илгичлар, ошхона буюмлари ишлаб чиқариш масаласи ҳал этилмоқда. Гилам фабрикасида лахтаклардан кичкина гиламчалар, сочиқлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Доимий комиссия аъзолари халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқармайдиган саноат корхоналарида чиқиндилардан ана шу ҳил маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Шаҳар партия ташкилотлари, депутатлар, барча жамоатчиликнинг мазкур масалаларга жиддий эътибор билан қараётганлиги яхши натижа бермоқда. Умуман шаҳар бўйича халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ярим йиллик плани 105,7 процент бажарилди. Доимий комиссия аъзолари бу йўналишдаги ишни давом эттирмоқдалар.

ШАРТНОМАЛАР АСОСИДА

А. МАМАДАЛИЕВ,
область савдо бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг энг зарур молар ва харидоргир моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш тадбирлари тўғрисидаги қарори биз савдо ходимларига ҳам бевосита алоқадордир. Саноат ходимлари билан бизнинг ўзаро муносабатимиз аҳолини бу хил моллар билан таъминлашда катта аҳамиятга эга. Савдо ходимларининг муҳим вазифаси шундаки, улар саноатдан истеъмолчига керакли ва зарур миқдордаги товарлар олишга эришиши керак. Маълумки, бу ишлаб чиқарувчилар билан маҳсулотнинг миқдори, ассортименти, сифати ва етказиб бериш муддатлари тўғрисида шартнома тузиш йўли билан эришилади.

Тажриба шуни кўрсатадики, савдо билан саноат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг энг самарали ва таъсирчан формаси бевосита шартномалар тузишдир. Бундай шартномалар ишлаб чиқариш корхоналари ва савдо корхоналари коллективларини воситачиларсиз боғлайди. Ҳозир область давлат савдо системаси корхоналари аҳолига сотиш учун маҳсулотларнинг 22—24 процентини саноатчилардан бевосита шартномалар орқали олмоқдалар. Бизнинг йирик савдо ташкилотларимиз Чирчиқ, Ангрен, Бекобод савдо бўлимлари бевосита шартномалар тузишган. Улар ўртасида одатда саноатчилар билан маҳсулотнинг ассортименти, сифати, етказиб бериш муддатлари ҳусусида юз берадиган баҳсли масалалар туғилмаяпти.

Шунингдек учун савдо бошқармаси яқин вақтлар ичида Янгийўл ва Оҳангарон савдо бўлимларини ҳам, шунингдек Олмалиқ кон-металлургия комбинати ишчи таъминоти бошқармасини ҳам саноатчилар билан бевосита алоқа қилишга ўтказишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик. Бу билан бевосита шартномалар орқали маҳсулотлар етказиш ҳажмини 30—40 процентга етказилади. Бундан харидорлар фақат манфаат кўрадилар, холос.

ИЖОДИЙ ИЗЛАНИБ, ТАШАББУС БИЛАН ИШЛАЙЛИК

Т. КИСЕЛЕВА,
Чирчиқ ойна заводининг директори, халқ депутатлари область Совети депутати.

ЗАВОДИМИЗ коллективи, корхонамизда ишлаётган давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг депутатлари КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «1981—1985 йилларда энг зарур моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва аҳолининг шу молларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондиришга доир тадбирлар тўғрисида» ҳамда «1981—1985 йилларда харидоргир моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг сифатини ошириш ва хилини яхшилаш тадбирлари ҳақида»ги қарорларини руҳланиб кутиб олдилар. Биз бу қарорларни партия ва ҳукумат-нинг совет кишиси, унинг моддий фаровонлигини юксалтириш тўғрисидаги ғамхўрлигининг яна бир намунаси деб баҳолаймиз.

Ҳар бир корхонада, ҳатто кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш билан алоқаси бўлмаган корхонада ҳам бу хил буюмларни чиқаришни ташкил этиш учун резервларни топиш мумкин. Фақат ишга ижодий ёндошиб, ташаббус кўрсатиш лозим бўлади. Биз ўзимизда ҳам ана шундай резервларни топдик. Бу йил биз халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириб, планга қўшимча гуллн ойналардан 8 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаймиз.

ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИНИНГ ҲИССАСИ

А. КУЗНЕЦОВ,
«Бекабадцеремонт» корхонаси электр пайвандчиси, халқ депутатлари область Совети депутати.

ҲОЗИРГИ вақтда халқ депутатлари ўз меҳнат коллективларида, ўз сайлов округларида иш самарадорлиги ва сифатини ошириш учун билим, маҳорат ва тажрибаларини иложи борича яхшироқ сарфлаш орзу-ўйлари билан яшамоқдалар. Шаҳримизда 194 киши давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг депутатларидир. Уларнинг 119 нафари бевосита ишлаб чиқаришда меҳнат қилишади. Ҳаммалари социалистик мусобақанинг олдинги сафида бориб, ишлаб чиқариш илғорлари ҳисобланадилар. Республикадаги 15 илғор ишчининг ташаббусини қўллаб-қувватлаган тикув фабрикасининг бичикчиси, шаҳар совети депутати Р. Сидорова бир беш йилликда икки беш йиллик планни бажариш мажбуриятини олди. Бунда у икки ярим минг метр газламани иқтисод ҳам қилади. Бундай кўрсаткичга меҳнат унумдорлигини ошириш, иш вақтини тежаш ҳисобига эришади.

Область Совети депутати М. Степанов раҳбарлик қилаётган темирйўл-автомобиль транспорти ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳайдовчилар бригадаси йиллик планни Улуғ Октябрнинг 64 йиллигигача бажариш мажбуриятини олди. Коллектив ярим йиллик планни анча ошириб бажарди.

Темирйўл-автомобиль транспорти ишлаб чиқариш бирлашмасининг ҳайдовчиси Б. Йўлҳожиев, 43-ремонт-қурилиш участкаси сувоқчи-бўёқчиси Г. Турсунова, 9-автобаза ҳайдовчиси Н. Алиев ва шаҳар Советининг бошқа депутатлари беш йилликни тўрт йилда бажаришга сўз бердилар.

План ва социалистик мажбуриятларни бажаришни, корхоналарда иш сифатини ўз вақтида назорат қилиб туриш мақсадида шаҳарда 22 та депутатлик постлари тузилган. Уларга 117 депутат киради.

Депутатларнинг ташаббуси ва активлиги шубҳасиз саноатчиларга, улар олдига қўйилган вазифани — халқ учун моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш вазифасини дуруст уддалашга ёрдам беради.

* * *

Тошкент область ижроия комитети ва «Тошкент ҳақиқати» ҳамда «Ташкентская правда» газета редакцияларининг давра суҳбатида, шунингдек Тошкент облпотребсоюзи раисининг ўринбосари М. Микалян, область Совети депутати, Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинати қуювчиси В. Матвеев, Ангрен ГРЭСи катта аппаратчиси Х. Анорбоева. Коммунистик районидаги «Ёшлик» универмаги сотувчиси У. Пўлатова, Калинин районидаги теплиц ҳўжалиги сабзавоткор-мастери М. Абдуллаева, «Сантехлит» заводи эритувчиси Т. Шамлиева ва Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз аъзоси М. Холикова қатнашдилар. Улар ўз коллективларининг меҳнат ютуқлари ҳақида, ўн биринчи беш йиллик ва унинг биринчи йили топшириқларини бажариш ишига қўшаётган шахсий ҳиссалари ҳақида сўзлаб, энг зарур ва харидоргир моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ассортиментини кенгайтириш ва сифатини яхшилашга қаратилган бир қатор таклифларни айтдилар.

ОММА БИЛАН ЖОНЛИ МУЛОҚОТ

Партия халқ хўжалигини тобора ривожлантириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, экономикани интенсив ривожлантириш йўлига ўтказиш асосида совет кишиларининг фаровонлигини янада оширишни таъминлашни ўн биринчи беш йилликнинг бош вазифаси қилиб қўйди. Партия қўлётган улуғвор вазифаларни омма онгига етказиш, меҳнаткашларни ўн биринчи беш йиллик топшириқларини барвақт бажаришга сафарбар этиш, тугилаётган ватанпарварлик ташаббусларини кенг қулоч ёйдириш нақадар муҳим вазифа эканлиги КПСС XXVI съездида алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Съезд қарорларини кенг пропаганда қилишда, омма эътиборини меҳнат коллективлари олдида турган вазифаларга қаратишда ва кишиларнинг меҳнат ҳамда сиёсий активлигини оширишда идеология ходимлари катта роль ўйнамоқдалар. Пропагандистлар, агитаторлар, сиёсий ахборотчилар съезд материалларини тарғиб қилар эканлар, оммавий-сиёсий иш соҳасида бундан олдинги беш йилликлар давомида тўпланган бой тажрибадан кенг фойдаланмоқдалар. Улар суҳбатлар давомида бевосита маҳаллий фактларга, тугилаётган ватанпарварлик ташаббусларига тез-тез мурожаат қилмоқдалар. Кишиларни янада унумли ва сифатли меҳнат қилишга, ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга, илғор тажрибаларни кенг қўллашга даъват этмоқдалар.

Район партия комитети аъзоси, Ленин ордени кавалери Александр Коробовни «Ахангаранцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари ҳамиша ўз қадрдонларидек кутиб олишади. Александр Коробов куйдириш цехининг бошлиғи. Айни пайтда тажрибали агитатор ҳамдир. У коллектив ўртасида КПССнинг ички ва ташқи сиёсати ҳақида тез-тез қизиқарли суҳбатлар ўтказиб туради.

Агитатор ўтказаётган суҳбатларнинг бири меҳнат интизомига бағишланди. Суҳбат давомида агитатор илғор ишчи КПСС XXVI съезди делегати, Октябрь Революцияси ордени кавалери Вячеслав Кочетков билан Ленин ордени кавалери Бахтиёр Ботирбеков ўртоқлар тажрибасини алоҳида тилга олиб ўтди. Улар смена давомида 3500—4000 тонна маҳсулот тайёрлаб бермоқдалар.

Суҳбатларни бевосита ишлаб чиқариш билан боғлаб олиб бораётган тажрибали агитаторлар районимизда оз эмас. «Оҳангарон» совхози 6-бўлим бошқарувчиси Ж. Файзиев, «Ангрен» совхози бош зоотехниги А. Жунусов, Ленин қишлоқ Совети раиси М. Солихова каби активлар агитатор, сиёсий ахборотчи, сиёсий докладчи сифатида муҳим партиявий топшириқни бажармоқдалар. Умуман районимизда ҳозир 416 агитатор, 238 сиёсий ахборотчи, 650 дан зиёд «Билим» жамияти аъзоси омма орасида катта сиёсий-тарбиявий ишлар олиб бораяпти.

Ҳозирги кунда оммавий-сиёсий ишлар бевосита дала шийпонларига кўчирилган. Районимизда 32 та шинам дала шийпони бор. Бу ерда ишчилар меҳнатдан сўнг маданий дам оладилар, агитаторлар, сиёсий ахборотчилар суҳбатини тинглайдилар. Идеология кадрлари тушлик дам олиш соатларида ишчиларни оламда бўлаётган воқеалардан бохабар қиладилар. Районда ва хўжаликда қўйилаётган рекордлар билан танништирадилар, илғор тажрибалар ҳақида ҳикоя қиладилар.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ТАРБИЯВИЙ ИШГА КОМПЛЕКС ЁНДАШАЙЛИК

Район партия комитети идеология кадрлари маҳорати ва билимини ошириш, ўтказилаётган суҳбатлар мазмундорлигини таъминлаш бўйича зарур чораларни кўрмоқда. Пропагандистлар, оғзаки сиёсий агитация кадрлари семинарида илғор тажрибалар кенг оммалаштирилди. Бундан ташқари тошкентлик бир группа олимлар районимизда бўлиб, оммавий-сиёсий ишлари янада такомиллаштиришда маҳаллий кадрларга яқиндан ёрдам бердилар. Куйбишев номли совхозда бўлган давра суҳбатида улар оммавий-сиёсий ишлари олиб бориш методикаси, лекциялар таъсирчанлигини таъминлаш бўйича қимматли маслаҳатлар бердилар.

Район партия активининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида ҳам идеология ишлари самарадорлигини оширишга оид масала кўриб чиқилди. Актив йиғилишида сўзга чиққан нотиқлар идеологик, сиёсий-тарбиявий ишлар аҳволини атрофлича муҳокама қилдилар, навбатдаги вазифаларни конкрет белгилаб олдилар. Нотиқлар ўз сўзларида сиёсий ва иқтисодий таълим системасида олиб бориладиган ўқув машғулотлари сифатини янада ошириш, тингловчилар давоматини яхшилаш зарурлигини уқтирдилар.

Ўтган ўқув йилида коммунистлар ва партиясиз активлардан салкам 3 минг киши КПСС XXVI съезди материалларини атрофлича ўрганди. Машғулотлар кўргазмали қуроллар ёрдамида олиб борилди. Ўқув давомида тингловчилар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, тежамкорлик режимини кучайтириш, идеология ишлари самарадорлигини оширишга ёрдам берувчи кўпгина қимматли таклифларни ўртага ташладилар. Бошланғич партия ташкилотлари ҳозир бу таклифларни пухта ўрганиб, амалда қўллаш чораларини кўрмоқда.

Шуниси қувончлики, социалистик мусобақани ташкил этишда, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини барвақт бажариш юзасидан бошланган мусобақада тингловчилар алоҳида активлик кўрсатмоқдалар. Бу йил район партия комитети бюроси 14 та ватанпарварлик ташаббусини маъқуллади. Айниқса, 9 та ишлаб чиқариш бригадаси бошлаб берган ташаббус ибратли бўлди. Илғор коллективларнинг аъзолари беш йилликнинг биринчи йили топшириқларини ҳамма соҳа бўйича Улуғ Октябрнинг 64 йиллиги байрамигача бажариш учун кураш бошладилар. Бу мусобақага ҳозир барча меҳнат коллективлари актив қўшилганлар. Улар ҳиссаси билан йилимизнинг дастлабки ярмида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча кўп маҳсулот етиштирилди. Чорвадорларимиз чорва туёғини янада кўпайтиришга эришдилар.

Ўн биринчи беш йиллик барча соҳада янада юксалишлар даври бўлади. Беш йиллик охирига бориб районимизда гўшт етиштириш 17 минг тоннага кўпаяди. Бу 1979 йилга нисбатан 2,2 марта кўп демакдир. Сут етиштириш 1,5 марта, тухум олиш 6,7 марта кўпаяди. Агитаторлар, сиёсий ахборотчилар, пропагандистлар олиб бораётган сиёсий-тарбиявий ишлар бу муҳим вазифаларни бажаришга хизмат қиляпти.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съезди минбаридан туриб лекторлар, пропагандистлар, агитаторлар ва сиёсий докладчилар меҳнатига юксак баҳо берди. Партия фикрларини оммага етказиб, унинг сиёсатини оммага тушунтириб бераётган бу жонкуярлардан партия ташкилотлари миннатдордирлар. Оғзаки сиёсий агитация кадрлари ўз зиммаларига ниҳоятда масъулиятли вазифа юкланганлигини ҳамиша ҳис этиб турибдилар. Улар омма билан жонли мулоқатда бўлиб, уларни халқ фаровонлиги йўлида янада унумли ва сифатли меҳнат қилишга ундамоқдалар.

Ш. ҚАРШИБОЕВА,
Оҳангарон район партия комитетининг секретари.



Тошкентдаги консерва комбинатининг 1-филиали ишчи-хизматчилари йил охиригача 15 миллион шартли банка консерва маҳсулотларн ишлаб чиқаришга сўз беришган. Айни пайтда корхонанинг барча қўйи коллективларида юксак мажбуриятларнинг шараф билан бажарилиши учун социалистик мусобақа авж олдирилди. Мусобақага актив қўшилган тажрибали ишчи Клара Абдубакирова смена топшириқларини мунтазам зкёдаси билан бажариб мусобақа пешқадамлари сафида келмоқда.

КЎНГИЛЛИ ХОРДИҚ

◆ **ТУЙТЕПА.** (Газетхон С. Иброҳимов ёзади). Тошкент тўқимачилик комбинати маъмурияти, партия, касаба союз ташкилотлари ишчи ва хизматчиларнинг маданий дам олиши, улар саломатлигини сақлаш масаласига алоҳида эътибор бермоқда. Жумладан, комбинатнинг Тошкент денгизи атрофига жойлашган дам олиш зонаси бу йил ҳам оромгоҳ маскани айлантирилди. Бу ерда ёзнинг шу иссиқ кунларида ҳар куни 80—90 киши, дам олиш кунлари эса 250—300 киши кўнгилли хордиқ чиқариб қайтмоқдалар.

Чет эл хабарлари

ПОЛЬША ГАЗЕТАСИНИНГ МАҚОЛАСИ

ВАРШАВА, 18 август. (ТАСС). «Жолнэж вольности» газетаси «Польша манфаатлари ва Вашингтон сиёсати» деган мақола эълон қилди. Бу мақолада АҚШнинг ПХР ички ишларига аралашиши фош қилинади. Газета мамлакатдаги социал тангликни сиёсий йўл билан бартараф этишга эришиш Польша учун асосий иш ҳисобланади деб ёзади. Бу нарса бошбошдоқлик, тартибсизлик, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётни изидан чиқаришга қаршн қатъий кураш олиб боришни талаб қилади. Бундай ҳолларни «Бирдамлик» касаба союз бирлашмаси бўғинларида ҳаракат қилаётган муайян унсурлар ва гуруҳлар вужудга келтирмоқда ва чуқурлаштирмоқда. Социализмга қарши Кос-Кор ташкилоти, шунингдек Польшага ва социализмга душман империалистик марказларнинг муайян вазифаларини бажарувчи бошқа кўпорувчи гуруҳлар уларнинг асосий вакиллари ҳисобланади, деб таъкидлайди газета.

Улар оммавий норозиликлар учун сабаб йўқлигича қарамай, мамлакатни чуқур тангликдан чиқариш тадбирларига қарши қўпорувчилик фаолиятини зўр бериб ўтказиб келаётганликлари эътиборга сазовордир, деб давом қилади газета. Шунинг учун ҳозир бу гуруҳлар кескинликни кучайтирувчи янги методларни қўллаяптилар. Жумладан, «очлар юриши» деб аталмиш маршлардан, шаҳар транспорти жалб этилган намойишлардан фойдаланилмоқда. Давлатга қарши бу гуруҳлар ҳосил ўримйиғимини изидан чиқаришга ҳам уриниб кўрдилар.

«Бирдамлик»да жойлашиб олган социализмга қарши унсурлар ва гуруҳлар, деб ёзади газета, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига, аввало, бутун Совет Иттифоқига қарши асоссиз ва ҳақоратли айблар тўнкамоқдалар. Бундай ҳаракатлар очиқданочиқ игвогарликларга олиб келмоқда.

Кўшниларимиз ва дўстларимизгина эмас, шу билан бирга социалистик тузумнинг чет эллардаги муҳолифлари ҳам Польшадаги воқеаларнинг боришига қизиқиб қарамоқдалар, деб ёзади «Жолнеж вольности». Бу соҳада АҚШнинг суверен Польшанинг ички ишларига ва унинг иттифоқчилик муносабатларига тўғридан-тўғри аралашишдан иборат ҳаракатлари кишини тобора ҳайратга солмоқда ва шу билан бирга унинг норозилигига сабаб бўлмоқда. Бундай ҳаракатларга Америка ва НАТО расмий органлари энг юксак даражада қилаётган ҳаракат деб баҳо бермоқ зарур. Улар ўзларининг баёнотлари ва ҳаракатлари билан Польшанинг ички ишларига тобора ҳаёсизлик билан аралашмоқдалар, эҳтиросларни авж олдирмоқдалар, қийинчиликларни чуқурлаштирмоқдалар ва халқаро майдонда ПХРнинг аҳволини нотўғри тасвирламоқдалар. Марказий Разведка Бошқармаси билан Америка меҳнат федерацияси — ишлаб чиқариш касаба союзлари конфедерацияси раҳбарлари бунга мисол бўлиб хизмат қила олади. Улар Польшада империализм манфаатларига мос тенденцияларни авж олдириш мақсадида махсус «Польша ишчиларига ёрдам кўрсатиш» фондини тузадилар. Аммо ПХРдаги акцн расо кишиларнинг биронтаси жаноблардан шундай ёрдам сўраганн йўқ. Польшага нисбатан очиқ ёки пинҳона сиёсат ўтказаётган бошқа кўпорувчи марказларнинг активлиги тобора кучайиб бормоқда. АҚШ давлат департаментида ПХР ишлари билан шуғулланувчи махсус гуруҳ анчадан бери ишлаб турибди. Бу группа АҚШдаги олий даражадаги сиёсий арбобларнинг кўрсатмаларига биноан мамлакатдаги кескинликни сақлаб туришни мўлжалловчи ҳар хил вариантларни ишлаб чиқди. Аммо АҚШ конгрессининг вакиллар палатаси шу йилнинг июлида қабул қилган Польша резолюцияси деб аталувчи резолюция Америка аралашув сиёсатининг чўққиси бўлди.

АҚШнинг бундай ҳаракатлари Польша халқининг ҳақиқий манфаатларига қарши қаратилган бўлиб, тинчлик ва халқаро ҳамкорликни барбод қилади, деб таъкидлайди газета. Америка империализми Польша ичидаги вазиятни ва унинг халқаро майдондаги аҳволини бекарор қилишни ва шу тариқа Шарқ билан Ғарб ўртасидаги нисбий кучлар мувозанатини бузишни мўлжалламоқда.

ҚАРШИЛИК КЎРСАТИШ КУЧАЙИБ БОРМОҚДА

САН-ХОСЕ, 18 август. (ТАСС). Сальвадор армиясининг бўлинмалари Морасан шимоли-ғарбий департаментида кейинги йил ичида энг катта жазо операциясини бошлади. Хунта авиацияси Гондурас чегарасидан беш километр нарида жойлашган ва Фарабундо Марти номли миллий озодлик фронти отрядлари назорат қилаётган Перкин шаҳрини бомбардимон қилди.

Сан-Сальвадор радиостанциясининг хабар беришича, уч мингдан кўпроқ солдат Америкада ишлаб чиқарилган тўплар ва «Хьюи» типидаги жанговар вертолётлар мададида Перкин томон ҳаракат қилиб бормоқда. Гондурас билан чегарадош бўлган бир қанча аҳоли пунктлари гарнизонларининг ҳарбий хизматчилари, шунингдек ҳарбий разведка марказининг курсантлари «ёшил қалпоқлар» ва АҚШ ҳарбий маслаҳатчилари бошчилик қилаётган қотиллар корпусига қўшилган. Уларга партизанларнинг позицияларига ҳужум қилиш, шунингдек кўзғолончиларни қўллаб-қувватлаётган Перкин аҳолисини жазолаш тўғрисида буйруқ берилган.

Сальвадорнинг ватанпарвар кучлари Қўшма Штатлар хунтага мадад бераётганлигига қарамай, диктатурага қарши ҳужумини кучайтирмоқда. Миллий озодлик фронти раҳбарларидан бири Ф. Сьенфуэгос мустақил матбуот агентлигига ана шуни айтди. Партизан отрядлари, деб таъкидлади у, мамлакатнинг бир қанча департаментларидаги кенг территорияларини назорат қилиб турибди. Кўзғолончилар ўтган кечаси Сальвадорнинг асосий транспорт йўли бўлган Панамерика шоссеси участкасини бузиб ташлаганлар.

МАНАГУА, 18 август. (ТАСС). Миллий озодлик фронти «Хорхе» деб аталган ғарбий фронт штабининг бошлиғи Сальпресс агентлиги мухбири билан суҳбатда бундай деди: ҳозирги вақтда Сальвадор партизанларининг жанговар руҳи ва сиёсий онги голтда юксакдир. Бу эса уларга душман устидан янгидан-янги ғалабаларга эришиш имкониии бермоқда. Мамлакатнинг ҳамма районларидаги граждан аҳоли кўзғолончиларга мадад бермоқда.

Ҳозирги вақтда, деб уқтирди ўтди партизанлар командири, биз реакцион америкапарвар режим армиясини тор-мор қилиб, Сальвадорда халқ ҳокимиятини ўрнатишга қодирмиз. Халққа зид бўлган хунта армиясини тор-мор қилиш учун Сальвадорда аслида бошланган Америка империализмининг интервенцияси бизга ҳалақит бермоқда. Бироқ АҚШ қуролли аралашуви хунтанинг жон талвасасинигина чўзайтириши мумкин, лекин уни қутқаза олмайди. Биз ҳар қандай душманга қарши, шу жумладан империализм кучларига қарши кураш олиб боришга шайимиз ва пировард ғалабамизга қатъий аминмиз.



Германия Федератив Республикасининг аҳолиси мамлакат территориясида қирғин қуроллари запаслари тобора кўпайиб кетаётганлигига қарши кескин норозилик билдирмоқда. Суратда: ёш она Ғарбий Германия тинчлик тарафдорларининг чақиришига имзо чекмоқда. Ҳозиргача бу ҳужжатга 1 миллиондан ортиқ киши имзо қўйди.
АДН—ТАСС фотоси.

РЕЙГАН ВАЪДАЛАРИНИ БУЗМОҚДА

ВАШИНГТОН, 18 август. (ТАСС мухбири). Р. Рейган маъмурияти ҳокимият тепасига келган дастлабки ярим йил мобайнида ҳозирги президент Оқ уйга қадам қўйиш чоғида америкаликларга сайлик билан берган ваъдаларнинг ҳозиргача сал кам йигирматасини бузди. Конгресс фаолиятини кузатувчи комиссия — истеъмолчиларнинг манфаатини ҳимоя этувчи жамоат ташкилотининг бу ерда эълон қилинган докладида ана шундай дейилган. Доклад авторлари маъмурият-нинг сўзи ва ишларини «мамлакатнинг аҳволи тўғрисида» президентнинг биринчи мактуби билан у конгресс орқали тасдиқлатиб олган ҳамда фақат бойларнинггина манфаатларига мос бўлиб тушадиган солиқ ислоҳоти ва ички социал программаларга маблағларни қисқартириш тўғрисидаги қонун лойиҳалари билан таққослаб анализ қиладилар.

Рейган, деб таъкидланади докладда, ўз мактубида федерал нафақалар ҳисобига кун кечирувчи америкаликлар гўё ана шу программалар қисқартирилмаслигига «ишончлари комил бўлиши мумкин» деб даъво қилган эди. Шунга қарамай, маъмурият камбағалларга, қарияларга, инвалидларга ёрдам миллиард доллардан кўпроқ қисқартириди, деб таъкидлайди авторлар. Медицина хизмати, қарилик бўйича нафақалар тўлаш, камбағалларга озиқ-овқат талонлари бериш каби программалар ва бошқа кўпгина программалар соҳасидаги аҳвол ҳам худди шундай. Рейган, дейилади докладда, лавозимини бажаришга киришиш чоғида, ана шу программаларни тўла ҳажмда сақлаб қолиб, уларни аҳолига оширишни давом эттиришга ваъда берган эди, аммо мазкур программаларнинг ҳаммаси кўп миллиард долларга қисқартириб юборилди.

Доклад авторлари маъмурият ишлаб чиққан ва у кўкларга кўтариб мақтаётган солиқ ислоҳоти монополистларнинг манфаатларини кўзлатаётганлиги равшан эканлигини уқтирмоқдалар.

Н. ПАХОМОВ.

МЕҲР МЕҲНАТГА ЙЎЛЛАЙДИ



Узбекистон бадиий фонди ҳузуридаги амалий санъат эксперименталь ижодий комбинатида тайёрланаётган чинни идишлар республикамиздагина эмас, балки ҳорижий мамлакатларда ҳам яхши танилди. Бугунги кунда комбинат усталари кишн кўзини қувонтирадиган сержило чинни буюмларини тайёрлаш билан бирга кўплаб биноларнинг интерьерларини безашда ҳам ўз маҳоратларини намойиш этмоқдалар. Безакли керамика плиталари, ганч, ўймакорлик санъатини ишга солиб комбинат усталари Сочидаги «Узбекистон» санаторийсини, Пенза шаҳридаги «Узбекистон», Кишинёздаги «Узбекистон» савдо магазинларини безадилар. Суратда: комбинатнинг рассоми Сафарниёз Султонму родов чинни вазага сайқал бериш олдидан.
А. Ваништейн фотоси.

Болаларнинг мустақил фаолияти учун зарур бўлган хусусиятлар нималардан иборат? деган савол кўпчиликни қизиқтиради, албатта. Зеро, тарбия иши билан узвий боғлиқ бўлган бу масала ўзига хос илмий-амалий аҳамиятга эга.

Аввало ўқувчи-ёшларда давлат манфаатини ҳимоя қилиш, социалистик мулкни сақлаш, Ватан ва халқ учун жон-дилдан хизмат қилиш ҳиссини уйғотмоқ лозим. Агар бу ҳис-туйғулар тарбияси илк ёшликдан тўғри йўлга қўйиб келинган бўлса (оила, боғча, мактаб, жамоатчилик ҳамкорлигида), болаларимиз ўзларини коллектив аъзоси деб сезиши, коллектив учун меҳнат қилиши, коллектив обрўси учун курашувчи киши бўлиб етишиши шубҳасиздир.

Ёшлар ўз номи билан ёш. Ҳар биримизнинг ёшлар деганда кўз олдимизга қалби қайноқ, ҳар бир янгиликка қизиқувчан, турмушнинг ҳар қандай синовларига бардош берадиган, уқувли, қобилиятли, меҳнатсевар йигит-қизлар келади. Улар ҳақида ҳар қанча фахрланиб сўзласак ҳам оз. Аммо мана шу мустақил ҳаёт бўсағасида турган ёшларга ана шу ҳислатларни чуқур сингдириб бориш учун уларни йўлга солиш, ўқитиш, меҳнатга муҳаббат, касбга ҳурмат ҳиссини изчиллик билан ошириш зарур. Бунда катта ҳаёт мактабини ўтаган кишиларнинг, ота-оналарнинг, ўрта мактаб ўқитувчиларининг таъсири муҳим аҳамиятга эгадир. Айниқса, бу масалада ота-она зиммасида катта вазифа туради.

Ҳар бир ота-она ўз ўғил-қизининг одобли, меҳнатсевар, илмли, софдил бўлишини орзу қилади. Чунки бундай яхши фазилат инсон кўркига кўрк қўшади. Шунинг учун ҳам ота-она фарзандининг ёшлигидан бошлаб ана шу ҳислатларни тарбиялашга интилади. Болаларда шакллантирилган аҳлоқий фазилатларни қадрлаш уларда ор-номус ҳиссининг уйғонишига ёрдам беради. Боланинг яхши ишини, ўқишини ҳамиша кузатиб, ўз вақтида рағбатлантириб «балли», «яшанг», деб қўйинг ёки унинг аҳлоқий сифатларини баҳолаб, «тиришқоқ», «камтар», «қўрқмас», «ботир», «меҳнатқаш», «менинг энг яқин ёрдамчим» деб кўринг-а, болаларга севинч, мамнунлик, куч-қувват бағишлаганлигингизни сезиб қўзингиз қувонади.

Бола ўсиб борган сари янгиликка интилади ва шунга куч сарф қилишга тайёр туради. Уларда учувчи, қурувчи, шифокор, шоҳбр, агроном, ўқитувчи, техник, механизатор, пахтакор, боғбон бўлиш истаклари туғилади.

ОТА-ОНА ИБРАТИ — ТАРБИЯ МАКТАБИ

Қундуз опа — Калинин районидаги «Москва» колхози фермасида илғор сут соғувчи, саккиз фарзандининг онаси. Уй-рўзғор ишлари ҳам фарзандларга тақсимлаб берилган. Диларомхон уй ишларида онасининг энг яқин ёрдамчиси ҳисобланади. Кир ювади, овқат пиширади, укаларига дарсларини тайёрлатади. Абдулазиз бўлса ҳовлидаги сигир — бузоқларни парвариш қилади. Абдурасул колхоз боғида соҳибкорлик ишларида отасига яқиндан кўмакдош: токзорда ишлаб ток билан боғлиқ ишларни яхшигина билиб олган. Сабзавот экинлари парваришининг яхши эгаллаган. Биз ҳикоя қилаётган бу оила фарзандлари А. Икромов районидаги А. Навоий номли 203-мактабда ўқишади.

Дарслан бўш вақтларида колхозчи ота-оналарига ёрдам берадилар. Миришкор деҳқон Очил аканинг меҳнати самарасидан ўғиллари ҳам хурсанд. Тоза ҳавода ажойиб ноз-неъмат маҳсулотларини етиштириб, эл-юртни баҳраманд этиш завқи оила фарзандлари қалбида ота касбига, касбигагина эмас, айнан ўзига нисбатан ҳам бир дунё меҳр уйғотиб юборган. Абдурасул ҳозир саккизинчи — синфда ўқийди. У мактабни битиргач агроном бўлиб етишишни орзу қилиб қўйган. Ер илмини ўрганиб, эл дастурхонини тўкин-сочин қилишни ҳаётининг мазмуни деб билади. Қизи Дилбархон ўнинчи синфни битиргач-ю, колхоз фермаси томон йўл олди. Соғувчилик касби ҳам завқли эканлигини Дилбархон билан суҳбатлашсангиз янада аниқроқ ҳис этасиз. Аввало Дилбар онаси Қундуз опа туфайли бу касбга меҳр қўйди. Унинг боқимида 15 та сигир бор. Дилбар аввалларн кунига ҳар бир сигирдан 8—10 литрдан сут соғиб олган бўлса, ҳозирги кунда 13—15 литрдан ортиқ сут соғиб тошширяпти. Меҳнатсеварлиги билан коллективда катта ҳурмат қозонди.

Маҳаллий шароитни ҳисобга олган ҳолда болаларда катталарнинг касб-ҳунарига муҳаббат уйғотиш муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. Колхоз пиллачилик бригадасининг бошлиғи Маҳсума Одилова ҳар йили маҳалла хонадонларида бўлиб қуртхонани жиҳозлаш, сўкчаклар ясаш, тут новдаларини кесиб келиш ишларига ўқувчи ўғил болаларни, тут навдаларидан барги ни ажратиб олиш ва сўкчакларга барг ёйиб қуртларни боқиш ишларига қизларни жалб қилади, улар орасида мусобақа уюштиради.

Бу мисоллардан кўринадики, болаларда мустақил фаолиятни таркиб топтиришда, такомиллаштиришда мураббийлик, гамхўрлик зарур экан. Шунинг учун ҳам оила, мактаб, жамоатчилик ҳамкорликда ёш авлодга меҳр билан муносабатда бўлиб, уни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашда активлик кўрсатса, келгусида диллар шод, юрт обод бўлиши учун катта ҳисса қўшган бўлади.

М. ЮСУПОВА,
педагог.

«ЧЕН-ЧУН» МОНГОЛИЯДА БЎЛДИ

Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозининг Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофотининг лауреати «Чен-чун» ансамбли Монголия Халқ Республикасига қилган сафаридан қайтиб келди. Ҳаваскор санъаткорлар Монголия Халқ Республикасининг 60 йиллиги муносабати билан Улан-Баторда концерт беришди. Мухбиримизнинг илтимосига кўра ансамблнинг бадиий раҳбари Николай Васильевич Ким сафар таассуротлари билан ўртоқлашади.

— «Биз «Чен-чун» ансамблининг профессионал санъаткорлар даражасидаги бадиий маҳоратига қойил қолдик». Ансамблимиз ижрочиларининг навбатдаги концерт программаси тугагандан сўнг МХР Маданият министрлигининг бир группа ходимлари ана шундай дастхат қолдиришди. Бу бизнинг санъатимизга берилган юксак баҳодир. Бундай илиқ гапларни гастролларимиз давомида жуда кўп эшитдик.

Колхозимиз санъаткорлари ўн тўрт кун давомида Улан-Батор шаҳрида бўлишди. Шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини кўрдик, монгол халқининг ҳаёти билан танишдик. Пойтахтдаги драма театри биносида беш марта концерт бердик.

Биз МХРнинг 60 йиллик юбилейига махсус программа тайёрлагандик. Репертуаримиздан рус, ўзбек, корей, монгол ва бошқа халқларнинг куй ва қўшиқлари кенг ўрин олган.

Ҳаваскор санъаткорларимизнинг ҳар бир чиқишлари гулдурос қарсаклар билан кутиб олинди. Айниқса ансамблимиз солисти Владимир Каннинг монгол тилида айтган қўшиқлари, Галина Шин, Анатолий Пакларнинг чиқишлари санъат ихлосмандларида катта таассурот қолдирди.

Улан-Баторда сўнгги марта концерт берган кунимиз биз учун унутилмас бўлиб қолади. Колхозимиз санъаткорлари маҳорати муносиб баҳоланди. Ансамблимиз қатнашчилари юксак ижрочилик маҳоратлари учун Монголия Революцион ёшлар союзи Марказий Комитетининг, республика Маданият министрлигининг ва Монголия чет эл мамлакатлар билан дўстлик алоқалари жамиятининг фахрий ёрлиқлари ва дипломлари билан тақдирландилар.

Монголия Халқ Республикасига қилган сафаримиз санъатсевар ёшларимиз учун катта синов вазифасини ҳам ўтади. Биз бу ерда қардош халқ санъати ва маданияти билан янада яқинроқ танишдик. Репертуарларимизни монгол халқининг янги ашула ва рақслари билан бойитдик.

Янги куй ва қўшиқлар эндиликда пахтакорларимиз, чорвадорларимиз ҳузурида ижро этиладиган концерт программаларидан муносиб ўрин олади.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ПРАГА. Чехословакияда хмель йиғиштириб олина бошланди. Бу йил 11 минг гектардан ортиқ майдонга шу экин экилди. ЧССР жаҳонда энг кўп хмель экспорт қиладиган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Бу хмелни 70 та мамлакат, жумладан, Совет Иттифоқи харид қилмоқда.

МАНАГУА. Никарагуада катта ёшдаги аҳоли орасида саводсизликни тугатиш проблемаси революцион ҳукумат олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Ҳукуматнинг диктаторлик режимидан мерос бўлиб қолган ене шу проблемани ҳал этишда актив қатнашиш тўғрисидаги даъватини мактаб ходимлари ва республикадаги бошқа ўқув юртларидан сал кам 17 минг кўнгилли «халқ ўқитувчилари» қўллаб-қувватладилар.

КОТОНУ. Масси-Лонмадаги давлат тажриба фермасида маккажўхоридан дастлабки ҳосил йиғиштириб олина бошланди. Бу Бенин Халқ Республикасида озиқ-овқат экинлари етиштирадиган дастлабки механизациялаштирилган хўжалик бўлиб, ўтган йил охирида СССР ёрдамида ташкил этилган эди.

(ТАСС, 19 август).

ФОТО ҲУЖЖАТЛАРДА ЎТМИШ МАНЗАРАСИ

Ўзбекистон ССР Марказий Давлат архиви фондида сақланаётган фотоҳужжатлар ўз тарихига эга. Улар Тошкентда илк бор ташкил этилган фотография кўргазмаси экспозициясидан муносиб ўрин олган. Бу экспозиция ҳақида «Туркестанские ведомости» газетасининг 1899 йилдаги сонларидан бирида маълумот берилган эди. Газета хабарида бундай хил фотокўргазма Тошкентда биринчи бор очилгани, уни фотография ҳаваскорлари жамияти ташкил этгани ёзилганди.

Шаҳар марказидаги богда намойиш қилинган бу кўргазма экспонатлари саккизта залга жойлашган бўлиб, 12 бўлимдан ташкил топган эди. Унда турли мавзулардаги 4 мингта сурат бўлган.

Афсуски, кўргазма экспонатлари бир бутун ҳолда бизгача етиб келмади. Унинг бир қисми ҳозир Ўзбекистон ССР Марказий Давлат архивида, яна бир қисми Ўзбекистон халқлари тарихи музейи фондида сақланмоқда. Шунга қарамай шаҳримиз маданий ҳаётида катта воқеа бўлган мазкур экспозиция фотоҳужжатлари эндиликда 2 минг йиллик юбилейи нишонланиш арафасида турган Тошкент тарихини ўрганишда муҳим материал бўлиб хизмат қилади.

А. АЛИЕВ.



ЯНГИ ТОПИЛМА

БАҚТРИЯ РАССОМЛАРИ


Яқинда Ўзбекистон ССР санъат музейининг реставрация устахонасидан музей залларини доимий кўргазмалари қаторига яна бир экспонат қўшилди. Отнинг лойдан ясалган бош қисми бундан 2 минг йил илгари қадимий Холчаён саройини безаб турган «Қаҳрамон овчи» композициясига кирган.

Экспонатни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор Галина Пугаченкова бошчилигидаги экспедиция аъзолари топишган. Топилма антик Бақтрия даврига мансуб бўлиб, қармоқ ини ва қамиш момиғи қўшилиб ишланган. Унинг икки минг йил давомида бешикаст сақланиб қолганлиги рассомлар, санъатшунослар учун муаммо бўлиб қолмоқда.

«Отнинг бош»и музей залларидаги 20 га яқин — «Геракл», «Масҳарабоз», «Мадлика», «Шаҳзода», «Дубулғали жангчи» каби ноёб экспонатлар қаторида томошабинларни эрамиздан минг йил аввал Бақтрия даврида яшаб ижод этган номаълум рассомларнинг санъати билан таништириб, уларни хайратга солмоқда.

О. АПУХТИН.

ВАТАНИМИЗ ПОЙТАХТИДА



СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасини техник ва илмий билимларнинг дорилфунуни деб аташади. Кўргазманинг 78 павильонида совет олимлари ва инженерларнинг ажойиб ютуқлари намойиш этилмоқда. Улар мамлакатимиздаги жуда катта социал-сиёсий ўзгаришлар, совет халқининг хўжалик ва маданий-қурилиш соҳасидаги муваффақиятлари тўғрисида ҳикоя қилади. Суратларда: (чапда) кўргазма территориясида (ўнгда) кўргазманинг очиқ майдонида.

В. Яцина ва Ю. Лизунов фотолари.
ТАСС фотохроникаси.

ИЧКИЛИКБОЗЛИККА ҚАРШИ КУРАШНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

ТУРГАН-БИТГАНИ—КАСОФАТ

ОБЛАСТЬ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»НИНГ ҚЎШМА РЕЙДИ

БАХТСИЗЛИКЛАР САБАБЧИСИ

Ғалаба районидаги Ленин номли колхозда Эргашевлар оиласини ҳамма танийди. Биноийдек ҳаёт кечиришарди. Ота — Қўлдош ака, она — Розия опа колхозда ишлашарди. Қўлдош ака кўчада қиттак-киттак отиб келадиган одат чиқарди. Баъзан уйда ҳам яримтани майдалайдиган бўлиб қолди.

— Хотин, оби-замзамдан эллиқта ол!

— Қўйинг, ярашмайдиган ишни.

— Мен рухсат берганимдан кейин олавермайсанми?

Бора-бора эр-хотин аждаҳо домига илингандек ўзларининг нима қилаётганликларини сезмай қолдилар. Аввалига ичкилик қувончга бағишлаётгандек бўлса, сўнг уй гўрбатхонага айланди. Топган пуллари ичкиликдан ортиб оилани тебратишга етмас, шу туфайли доим уйда жанжал. Эр хотинини урар, она эса аламини болалардан оларди. Иш шунга бориб тақалдики, уйдаги нарсаларни олиб чиқиб, арзон-гаров сотишар ва яна ичишарди. Эр ичса уйнинг ярми куларди, хотин ичса уй хонавайрон бўлади, деб бекорга айтмаган эканлар. Ота шу йилнинг ёзида ичкилик туфайли оламдан ўтди, она эса дарбадар бўлиб кетадиган одат чиқарди. 16 яшар катта ўғил — Йўлдош колхозга ишга кирди, 14 яшар Абдаш, сингиллари Разила ва Раҳима жамоатчилик ёрдамида интернатга жойлаштирилди.

Жажжи қизалоқларнинг, ўғилнинг эгни бут, қорни тўқ, тарбиячилар атрофларида парвона. Лекин фарзандларга ота-она меҳрини ҳеч нима алмаштира олмайди. Уларнинг шикаста қалблари ота-она меҳрига зор эди.

Лекин ичкилик касофатидан гулдек хонадон тўзиб кетди. Бундай мисоллар кўпми? Афсус оз эмас. Муттасил ичишга ружу қўйган кишиларнинг боши гурбатда, не-не оилалар фаровон турмуш кечириш ўрнига худди шу ичкилик туфайли азият чекмоқдалар. Бохуда кайфу-сафонинг оқибати вой!

Хўш бунга ким айбдор? Аввало, ўткинчи айшларга, арақ кайфига қул бўлиб қолган иродасиз, ўзини қўлга ололмайдиган шахсларнинг ўзи айбдор. Лекин ичкиликбозликка қарши курашга бефарқ қаровчилар ҳам йўқ эмас. Кўпгина ташкилот, корхона ва муассасалар, меҳнат коллективлари, турли жамоат ташкилотлари ичкиликбозликка қарши кескин зарба беролмаяптилар, профилактика ишларига етарли аҳамият берилмаяпти.

Айниқса, баъзи қишлоқлардаги савдо ташкилотлари ичимликлар билан савдо қилишга зўр беряптилар, совет савдоси қоидаларига хилоф равишда иш тутилмоқда. Биз бугун ана шу ҳақда очиқчасига гаплашмоқчимиз. Айрим район матлубот жамиятлари ичкилик сотишни авж олдириш қандай натижаларга олиб келаётганлиги билан ҳисоблашмайдилар. Масалан, Ғалаба районидаги аҳволни бир кўрайлик. Район матлубот жамияти ва унга қарашли тармоқлар спиртли ичимликларни сотишда нотўғри йўл тутаётганликларини қаттиқ қоралаш керак. Спиртли ичимликларни сотиш таъқиқланган жойларда, яъни саноат корхоналари, мактаблар, маданий-маиший объектлар ёнидаги магазинларда тартиб қўпол равишда бузилмоқда. Лўндасини айтганда ичкиликбозликка катта йўл очиб берилаётир. Ароқ савдоси авжида. Товар оборотини асосан ароқ ва вино ҳисобига «ошириб» бажарилаётгани сир эмас. Мана, «Балиқчи» хўжалиги территориясига жойлашган универмаг. Пештахтада ароқ териб қўйилган.

— Спиртли ичимликлар сотишга рухсатнома борми? — сўраймиз мудир Саидрасул Алихоновдан.

— Рухсат бўлмаса омбордан бершармидим? Анча вақтдан бери савдода бор.

Аслида эса бу магазинда ичкилик сотишга рухсат берилмаган. Бунн магазин мудири ҳам, матлубот жамияти ҳам яхши билади.

КЛУБДА... ИЧКИЛИК САВДОСИ

Биз 31-магазинга борганимизда ҳайратдан ёқа ушадик. Магазин Энгельс номли колхоз клубига жойлашган экан. Бизнингча, колхоз клуби оммавий-сиёсий ишлар маркази, тарбия маскани бўлиши керак. Бу ерда эса клуб тескари мазмунда хизмат қиларкан. Магазин клубнинг учта хонасини эгаллаган. Ичкарида ун тўрт яшик ароқ расамади билан тахлаб қўйилибди. Колхоз клубига келганлар кўнгиллари тусаган спиртли ичимликларни олиб ёнгинада жойлашган Энгельс номли 7-мактабнинг чорбоғида бемалол улфатчилик қилишлари мумкин экан.

Кўргончи матлубот жамиятига қарашли 17-магазинда озиқ-овқат моллари ассортименти жуда камлигини кўрдик. Ҳатто оқ қанд йўқ. Лекин ароқ мўл. Магазин эса гул луб заводи яқинига жойлашган.

— Ароқ билан савдо қилмайдиган бўлсак, планимиз тўлмайди, — дейди магазин сотувчиси Нуриддин Шамсиев. Рўйхатда бу магазинда спиртли ичимликлар сотишга рухсат берилмаган. Лекин бемалол сотиляпти. Сабабини сўрадик.

— Рухсат бор, — деди сотувчи, — мана қоғози.

Рухсатномада қайсидир магазин номери ўчирилиб, мазкур магазин номери устидан ёзиб қўйилган. Ароқ сотиш учун қалбакиликка ҳам кўл урилган. Кўргончи луб заводи ёнгинасига жойлашган 7-магазинда бўлганимизда бундан ҳам баттар тартибсизликларнинг гувоҳи бўлдик. Магазинининг девор суворқлари тушиб кетган, ҳаммаёқ ифлос. Озиқ-овқат моллари ассортименти кам. Ҳатто туз ҳам йўқ. Лекин пештахтага ароқларни териб қўйишни унутишмаган, спиртли ичимликларнинг ҳамма хилидан бор.

ПЛАНЛАР... АРОҚ, ВИНО ҲИСОБИГА

Рейд натижаси шуни кўрсатдики, район территориясидаги магазинларда фақатгина спиртли ичимликлар билан савдо қилишнинг кетидан кувишяпти. Бу билан ичкиликбозликка катта йўл очиб бераётганликларини ўзлари тушунишмасмикан? Агар магазин коллективлари билмасалар, партия ташкилотлари, қишлоқ ва посёлка Советлари, маъмурий органлар назорат қилишса бўлмайдими?

— Корхонамиз ёнида 5-магазин жойлашган, — дейди Солдатское луб заводининг директори К. Чинибеков. — Бу ерда спиртли ичимликлар сотишга рухсат берилмаган. Лекин қачон қарасанг, пештахтада ичкилик бор. Биз бир ёқда ичкиликка қарши курашяпмиз. Бўлар бўлса биқинимизга найза санчгандек ёнгинамизда ичкиликка «яшил йўл» солиб турибди. Корхонамизда ичкиликка ружу қўйган кишиларни муҳокама қилганимизда магазин коллективини ҳам таклиф этдик. Улар бу касофатнинг олдига, ишлаб чиқаришга қандай ёмон таъсир кўрсатаётганлигини ўз кўзлари билан эшитдилар. Йўқ, эртаси кунидан магазинда яна ўша аҳвол. Магазин мудири Валентина Безруковага айтдингми, деворга айтдингми, барибир...

Ҳақиқатан, райондаги кўпгина магазинлар мудирлари жамоатчилик фикри билан ҳисоблашмаяптилар. Улар ароқ-вино сотиб, планни тўлдирсалар, бас. Совет савдоси қоидаларига хилоф иш тутаётганликлари, ичкиликбозликни авж олдиришга сабабчи бўлаётганликлари, меҳнат интизоми, ишлаб чиқаришга салбий таъсир этаётганликлари, тарбиявий ишларга раҳна солаётганликлари билан ишлари йўқ. Афсуски, район ижроия комитети ҳам бу масалада келишувчилик йўлини тутмоқда. Мана баъзи мисоллар:

Шу йилнинг 9 февралида милиция ходимлари Д. Қозихонов мудирлик қилаётган магазинда рухсат бўлмагани ҳолда спиртли ичимликлар сотилаётганлиги ҳақида акт тузиб, район ижроия комитети ҳузуридаги маъмурий комиссияга ҳавола қилишди. Комиссия аъзолари актга жавобан муҳокама қилишни лозим деб топмадилар. Бундан «руҳланган» 10-магазин шоввозлари «спиртли ичимликлар сотиш мана бунақа бўлади» деб ишни яна ҳам катта қилиб юбордилар. Шу йилнинг 15 майида қайта акт тузилди. Яна район ижроия комитети ҳузуридаги маъмурий комиссияга юборилди. Лекин магазиндаги ишбузарларга «гиринг» дейилмади.

1, 5, 7, 8, 12, 25-озиқ-овқат магазинларида ҳам юқорида айтилганидек, акт тузилиб маъмурий комиссияга жўнатилган эди. Бироқ, афсуски комиссия аъзолари пинакларини ҳам бузмаяптилар. Бундай лоқайдлик, келишувчилик корхона ва хўжаликларда, жамоат жойларида тартибсизликларнинг содир бўлиши, кўнгилсиз воқеаларнинг кўпайишига олиб келяпти. Утган ярим йил ичида кўплаб киши хушёрхона «меҳмони» бўлди. Уларнинг иш жойларига, турар-жойларига хатлар юборилди. Лекин бу хатларнинг ярмисига ҳам жавоб олинмади. Киров номли совхоз маъмуриятига 63 та хат йўлланган бўлса, 15 тасига жавоб келди. Свердлов номли колхозга юборилган 15 хатдан иккитасига жавоб олинди. «Победа» колхози маъмурияти ва жамоат ташкилотлари 15 хатдан бирортасига ҳам жавоб беришни ҳеч кимларига ҳам келтиришмади. «Балиқчи» хўжалиги, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози ва бошқа хўжалик ҳамда ташкилотларда ҳам шундай масъулиятсизликни кўриш мумкин. Шу йилнинг ярим йилида содир бўлган жиноий ишларнинг 45 процентн ичкилик оқибатида рўй берган.

«ПОЙГА ҒОЛИБЛАРИ»

Район матлубот жамияти правлениеси раҳбарлари, бизнинг вазифамиз планни тўлдириш, бошқаси билан ишимиз йўқ қабилида иш тутмоқдалар. «Ким кўп сотиш» пойгасида ютиб чиқмоқдалар. 1980 йилнинг биринчи ярмида райондаги магазинларда 1 миллион 300 минг сўмликдан кўпроқ спиртли ичимликлар сотилган бўлса, бу йил шунча вақт ичида 2 миллион 500 минг сўмликка яқин спиртли ичимликлар сотилди. Бу ичкилик совдосида эришилган «рекорд»дир. Шунинг учун ҳам район матлубот жамиятига қарашли дўконларда сутканинг истаган вақтида ароқ-вино топишингиз мумкин.

Кўргончи посёлкасидаги «Кукси» кафесида эрталаб 9 дан кечкурун 20 гача ичимлик сотишга рухсат этилган. Солдатское посёлкасидаги «Кукси» кафесида эса эрталаб соат 9 дан кеч соат 23 гача сотилмоқда. Матлубот жамияти раҳбарлари ҳукуматимизнинг амалдаги қарорига ҳам ўзларича «ўзгартиш» киритиб олибдилар.

Районда ичкиликфурушликнинг бошқача йўллари ҳам бор. Масалан, матлубот жамиятлари биноларининг қоровуллари «тунги савдо» билан шуғулланишади. Кўргончи матлубот жамияти қоровули Турсунбой Бойматов, Шағап Тоиров, шу матлубот жамиятига қарашли магазин сотувчиси Анорқул Маҳкамов, Крупская номли матлубот жамиятининг коровуллари Татьяна Шмилева, Байрам Тожиевлар ярим кечада ҳам устидаги «шапкаси» учун «ҳожат чиқариш»га ўргатиб қолишган.

Хуллас, Ғалаба районида ичкиликбозликка қарши курашни умуман йўқ деса бўлади. Аксинча, бепарволик, масъулиятсизлик, ўзбошимчалик ҳукм сурмоқда. Бунга тезда хотима бериш лозим. Савдо тармоқларида қатъий тартиб ўрнатмоқ, ичкиликбозликдан келиб, чиқадиган хунук оқибатларнинг олдини олиш, бунинг учун умумий сафарабарликнинг кучайтирилиши лозим.

Район матлубот жамияти, унинг қуйи органларида юз берган аҳволга принципиал баҳо беришни район партия комитети, халқ депутатлари район Советининг ижроия комитети ва область матлубот жамияти правлениесига ҳавола қиламиз.

Ичкиликбозликка қарши курош оғизда эмас, амалда бўлсин! Бу иллатнинг тагига болта урайликки, оилаларимиз тинчтотув, фаровон яшашсин, фарзандларимиз камолга етсин, хонадонларимиздан шодлик, файз, барака кўтарилмасин, ҳар қандай жиноий ҳаракатларнинг олди олинсин. Бугунги куннинг жанговар шиори ана шу.

Н. ТЎХТАЕВ,
область ички ишлар бошқармасининг ходими.

Б. ПУЛАТОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИНИНГ НАРИМОНОВ ШАҲРИДА ҚАЙТАДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН
218-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1981—82 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Токарь, электр пайвандчи, слесарь-сантехник, ускуналар бўйича слесарь-ремонтчи, санитария-техника ускуналари бўйича ремонтчи-слесарь, металл конструкциялар тайёрлаш бўйича слесарь, бўёқчи-сувоқчи, гишт терувчи, электр монтажчи, монтёр, автослесарь.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқишга қабул қилинганлар уч маҳал овқат, кийим-бош билан таъминланадилар, ишлаб чиқариш практикасида топган иш ҳақининг бир қисмини оладилар.

Билим юртини аъло баҳоларда тамомлаганлар олий ва ўрта махсус билим юртларига имтиёзли шартларда ўқишга юборилади.

10 синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати — 1 йил, 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун — 3 йил.

Директор номига ёзилган аризага қуйидагилар қўшиб топширилади: автобиография, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт; турар жойидан, медицина (286-форма) справкалари, 6 та фотосурат (3х4 см. ҳажмида).

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент области, Наримонов шаҳри, «Водник» массиви («Тўйтепа—Тошкент» автобусининг «9-автобаза» бекати. 133-«Революция хиёбони—«Водник» массиви, маршруртининг «Водник» массиви, бекати).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ БАЗАСИДАГИ
161-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

конфетчилар, кондитерлар, нонвойлар, холодильникни созловчи-механиклар, нон ва пиво заводлари учун созловчи слесарлар тайёрланади.

ЎҚИШ МУДДАТИ: 10 йиллик маълумотлилар учун 1 йил, 8 йиллик маълумотлилар учун 2 йил.

Билим юртига қабул қилинган 8 синф маълумоти бўлганларга уч маҳал бепул овқат, кийим-бош ва иш кийими берилади.

10 синф маълумоти бўлганларга 30 сўм стипендия берилади.

Меҳнат практикаси вақтида ишлаган иш ҳақининг 33 процента берилади.

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар ўрта махсус ва олий ўқув юртларига юбориладилар.

Узоқдан келганлар замонавий жиҳозланган ётоқхона билан таъминланади.

Билим юрти қошида миллий ансамбль, ҳаваскорлик тўгараклари, спорт секциялари ва кечки мактаблар бор.

Билим юртини битирганларга танланган мутахассисликлари бўйича 3—4-разряд берилади, ҳамда республикамизнинг озиқ-овқат корхоналарида ишлайдилар.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: билим юрти директори номига ариза, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги ҳужжат, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, характеристика, турар жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см.), соғлиги тўғрисидаги медицина справкаси (286-форма).

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳар, Куйбишев район, Гёте кўчаси, 52-уй.

МУКОФОТГА — ЙЎЛЛАНМА

Ҳар йили тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамияти «Менинг Ўзбекистоним» болалар ижодий конкурсини ўтказади. Республикамизнинг минглаб ўғил-қизлари қатнашадиган бу ижодий бахснинг ғолиблари эса жамиятнинг дипломлари, фахрий ёрлиқлари, қимматбаҳо совғалари шунингдек, «Артек» ва «Орленок» пионер лагерларига ҳамда Ленин яшаган жойларга туристик саёҳат қилиш учун йўлланмалар билан тақдирланишади. Жумладан, яқинда якунланган конкурснинг ўттизга яқин ғолиби Москвада бўлиб қайтишди.

Ёш ижодкорлар пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларида бўлишди. Айниқса, уларда В. И. Ленининг ҳаёти ва революцион фаолияти билан боғлиқ бўлган тарихий жойларга қилган саёҳат катта таассурот қолдирди.

Саёҳатчилар В. И. Ленин мавзолейига киришди, Номаълум солдат қабрига гулчамбарлар қўйишди.

З. ЭШМИРЗАЕВА,
тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш Тошкент область Советининг масъул котиби.

СПОРТ

ИККИ ЧЕМПИОН

Венгриянинг олти шаҳрида дўст армия спортчиларининг бешинчи ёзги спартакиадаси мусобақалари давом этаётир. Мусобақаларда 21 мамлакатдан келган спортчилар иштирок этишяпти. Унда СССР спортчилари, айниқса, муваффақиятли иштирок этмоқда. Бу муваффақиятда республикамиз спортчиларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Жумладан, тошкентлик армиячи Василий Аникин классик курашчилар ўртасида биринчи бўлиб кўксига спартакиада олтин медалини тақди. У 48 килограммгача вазнлилар баҳсида барча рақибларидан устун келди.

Дзюдо курашида эса 95 килограммдан ортиқ вазнилар баҳсида тошкентлик Владимир Собориевни ёнга оладиган спортчи топилмади. У ҳам олтин медалга сазовор бўлди.

МЕРГАНЛАР БАҲСИ

Республика ёшлар терма командаси аъзолари Рига шаҳридан қайтиб келишди. Улар бу ерда ўтказилган мерганларнинг СССР биринчилиги мусобақаларида иштирок этдилар. Стендга отиш бўйича Александр Томашевский республикамиз спортчилари орасида энг юқори натижага эришди. У 200 имконятдан 181 очко тўплаб, бешинчи ўринни эгаллади.

ОЛТИ ЎИИН, ОЛТИ ҒАЛАБА

Кеча «Ёш ленинчи» газетаси совғини учун мусобақалашаётган шахматчилар саккизинчи тур ўйинларини ўтказишди. Олти турдан сўнг олти очко тўплаган тошкентлик Леонид Барембаум турнир жадвалида пешқадамлик қилаётир. Тошкентлик спорт мастери Валерий Логинов ва Акром Тошхўжаевлар ҳисобида беш ярим-тадан очко бор.

«Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 22 августда чиқади.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МТ-«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Эрталабки гимнастика. 10.05 — Учрашув жойини ўзгартириш мумкин эмас. Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 11.10 — Э. Гриннинг симфоник асарлари. 12.05 — Офтоб. Телевизион ҳужжатли фильм. 12.20 — Моҳир қўллар. 12.50 — 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Жасорат саҳифалари. Телевизион ҳужжатли фильм. 16.15 — Диққат, тошбақа. Бадиий фильм. 17.35 — Шахмат мактаби. 18.00 — Сизга манзур шеърлар. 18.30 — Узбек композиторларининг асарларидан концерт. 19.00 — Мультфильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Алкоголизм. Врач суҳбати. 20.00 — СССР халқ артисти М. Биошу куйлайди. 20.15 — Учрашув жойини ўзгартириш мумкин эмас. Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳужжатли экран. 23.05 — Дунё воқеалари. 23.20 — Нотаниш аёл. Телефильм.

Уз ТВ-I

11.25 — Кўрсатувлар программаси. 11.30 — Болалар учун фильм-балет. 12.05 — Санъат ғунчалари. 12.35 — Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак. 13.05 — Қилич ва қалқон. Бадиий фильм. 1-серия. 18.15 — Кўрсатувлар программаси. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Ешлик студияси кўрсатади Касбим—фахрим. 19.00 — КПСС XXVI съезди қарорлари ҳаётга! 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ижод гулшани. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш — озиқ-овқат программасининг асоси. 22.25 — Қилич ва қалқон. Бадиий фильм. 2-серия. 00.05 — Кўрсатувлар программаси.

Уз ТВ-II

18.00 — Кўрсатувлар программаси. 18.05 — Телефильм. 18.40 — Реклама. 19.00 —Ҳужжатли кино экрани. 20.20 — Яхши кайфият хизмати. 20.50 — Ер ва одамлар. Ҳужжатли фильмлар. 21.30 — Марказий телевидениенинг IV программаси.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/VIII да Ганг дарёсининг қизи, 21/VIII да Ун учинчи ранс.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Янги программа. АРЕНАДА МОСКВАЛИКЛАР.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА
30 август — 9 сентябрь кунлари
соат 12.00 ва 18.00 да
БОКС БЎЙИЧА
СССР ШАҲСИЙ БИРИНЧИЛИГИ ЎТКАЗИЛАДИ

Мусобақаларда XXII Олимпиада ўйинларининг совриндорлари, Европа ва СССР чемпионлари қатнашадилар.

Мусобақанинг тантанали очилиши 30 август соат 17.00 да.

Касса ҳар куни соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

Мусобақа кунлари транспорт кўпайтирилади. Хусусий транспортдан учун тўхташ жойи ташкил қилинади.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

СССР ички ишлар министрлигининг
ЧИМКЕНТ МАХСУС ЎРТА МИЛИЦИЯ МАКТАБИ
1981—1982 ўқув йилига
ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МАКТАБ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИГА ЎРТА ЮРИДИК МАЪЛУМОТЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАНДИ.

Мактабга ҳарбий хизмат муддатини ўтаб қайтган, ўрта маълумотли 30 ёшгача бўлган фуқаролар қабул қилинадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 143-алоқа бўлими, Луначарский шоссеси, 243-уй, 98-хона, Тошкент область ички ишлар бошқармасининг кадрлар бўлими.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари —335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги—325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши—325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик—325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553; фотомухбир— 325894.

Р. 06382. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64684. Б. 1700. 14